

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК

НИЗАМОВА ШАҲНОЗАХОН

**УЧИНЧИ СИНФ “ЎҚИШ КИТОБИ”НИНГ ЛЕКСИК,
ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ**

5A111701 – “Бошланғич таълим”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: З.Исақов,
доцент.**

Қ Ў Қ О Н – 2 0 1 4

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди.

Ислом Каримов

Мундарижа

Кириш. Ишнинг умумий тавсифи.....	4
I. БОБ. Учинчи синф ўқиш дарслигининг шакл ва мазмун бирлиги.....	8
1.1. Учинчи синф ўқиш дарслигининг тузилиши ва матнларининг ДТС ва намунавий дастур талабларига мослиги.....	8
1.2. Учинчи синф ўқиш дарслиги материалларининг бўлимлар бўйича тематик тартибланиши.....	12
1.3. Учинчи синф ўқиш дарслиги матнларининг адабий тур ва жанрлар бўйича таркибланиши.....	15
1.4. Дарсликдаги расмлар ва уларнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида.....	18
I боб бўйича хулоса.....	23
II. БОБ. Учинчи синф ўқиш дарслигининг лексик ва грамматик хусусиятлари.....	24
2.1. Учинчи синф “Ўқиш китоби”да кўп маъноли ҳамда сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг ишлатилиши.....	24
2.2. Учинчи синф ўқиш дарслиги материалларида ўзлашма, услубий	

бўёқдор, фаол ва нофаол сўзларнинг қўлланишига доир.....	32
2.3. Учинчи синф “Ўқиш китоби”да имлоси ва изоҳи қийин сўзларнинг ифодаланиши.....	36
2.4. Учинчи синф “Ўқиш китоби” матнларининг грамматик хусусиятлари.....	38
II боб бўйича хулоса.....	44
III. БОБ. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги асарларни ўқитиш методикаси.....	45
3.1. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги асарларни ўқитишда ўқувчилар луғатини бойитиш методикаси.....	45
3.2. “Ўқиш китоби”даги насрий асарларни ўқитишда луғат устида ишлаш йўллари.....	49
3.3. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги насрий асарларни ўқитишда ўқувчилар нутқини бойитиш усуллари.....	52
3.4. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги шеърий асарларни ўқитишда шеър тузилиши юзасидан маълумот бериш услубиёти.....	56
3.5. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги шеърий асарларни ўқитишда дастлабки шеър санъатлари устида ишлаш методикаси.....	61
III боб бўйича хулоса.....	76
Умумий хулосалар.....	77
Адабиётлар рўйхати.....	79
Иловалар.....	82

Кириш. Ишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Миллий истиқлолга эришибмизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ёш авлод таълим-тарбияси масаласини давримизнинг эътибордаги бош – биринчи даражали вазифаси эканлигини белгилаб бердилар. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Давлат таълим стандартлари”нинг ҳаётга жорий этилиши бу борадаги ишларнинг яққол далилидир. Мактабда бадий адабиёт ўқитишнинг мақсади: кенг маънода саводли ва маънавиятли кишилар тайёрлаб чиқариш, уларнинг келажақда фаол ижодий фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган оғзаки ва ёзма нутқ малакалари билан қуроллантиришдир. Ўқиш дарсларини замон руҳи билан ҳамнафас олиб бориш Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришуви билан ўзбек тилига эътиборнинг кучайиши илм-фан соҳасида ҳам катта тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу даврда миллий тилнинг нозик қирраларини билиш, ундан нутқ жараёнида унумли ва самарали фойдаланиш маданийлик кўринишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчи синф ўқиш дарслигидаги бадий асарларни ўқитишда ўқувчиларнинг нутқ бойлигини ошириш, бадий адабиётнинг тур ва жанрлари хусусиятлари билан таништириш ва бу ишларни уюштириш йўллари ҳақида жуда кўплаб илмий, илмий-услубий ишлар бажарилган ҳамда талай тавсиялар берилган. Биз ҳам бу соҳада ишланган тадқиқотларга мурожаат этиб, қилинган ишларни кенг ва атрофлича таҳлил қилишга, бу соҳада ечимини кутаётган ўрганилиши зарур масалаларга эътиборни қаратишга ҳаракат қилдик. “Ўқиш китоби” дарслиги орқали она тилимизнинг ранг-баранг хусусиятларини ўрганар эканмиз, унинг бой қирраларини хушёрлик билан англаш ва эҳтиёткорлик билан ишлатишни ўқувчиларга сингдириш кун тартибидиги энг долзарб масала, деб белгиладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Учинчи синф ўқиш дарслигининг лексик, грамматик жиҳатларини таснифлаш ва ўқитиш тизимига матн билан ишлашнинг замонавий усуллари киритиш.

Тадқиқот мақсадига мувофиқ қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Мавзуга доир илмий ва методик адабиётларни ўрганиш, уларни ўзаро таққослаш, таҳлил қилиш.
2. Дарсликнинг ДТС ва намунавий дастур – меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиш.
3. Ўқиш дарслигидаги асарларнинг луғат таркибини таҳлил қилиш, уларнинг ўз ва кўчма, шакл ва маъно муносабатига кўра турларини белгилаб чиқиш.
4. Дарсликнинг грамматик табиати – морфологик шакли ва синтактик хусусиятларини назарий таҳлил қилиш.
5. Бадиий асар намуналаридаги имлоси ва изоҳи қийин сўзлар устида ишлашнинг самарали воситалари билан ўртоқлашиш.
6. Дарсликдаги шеърӣ асарлар билан ўқувчиларни таништириш жараёнида бадиий тасвир воситалари ва шеър тузилишига оид дастлабки маълумотларни мутахассисларига тавсия этиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Мунозарага ташланаётган масала – “Учинчи синф “Ўқиш китоби”нинг лексик, грамматик хусусиятлари ва ўқитиш услубиёти” юзасидан аввал ишланган илмий, илмий-услубий маълумотларни йиғиб, улар юзасидан шахсий мулоҳазаларимизни таҳлилга киритдик. Мавзу борасида методист олимларимиз К. Қосимованинг “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси” (Тошкент: Ўқитувчи, 1985.), Т. Ашрапова, И. Одиловларнинг “Она тили методикаси” (Тошкент: Ўқитувчи, 1984.), К.Қосимова, С.Матчонов, Х.Ғуломова, Ш.Йўлдошева, Ш.Сариевларнинг “Она тили ўқитиш методикаси” (Toshkent: Noshir, 2009. – 352 б.) М. Юсуповнинг Ўқиш ва ёзув дарслари самарадорлигини ошириш” (Тошкент: Ўқитувчи, 1990.), А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимовларнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” (Тошкент: Ўқитувчи, 1992.) ишларидан ҳамда сўнгги йилларда нашр этилган “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тил ва адабиёти таълими”, “Бошланғич таълим” журналлари ва республика миқёсидаги илмий-услубий

анжуман материаллари билан атрофлича танишиб, улардан назарий ҳамда амалий материал сифатида фойдаландик.

Тадқиқот объекти: Бошланғич таълимнинг учинчи синфи.

Тадқиқот предмети: Умумий ўрта таълимнинг 3-синф “Ўқиш китоби” дарслиги.

Тадқиқотнинг назарий асослари: Дарсликдаги бадиий асарларнинг лексик, грамматик ва бадиий ифодасини таҳлил этиш баробарида ўқувчиларнинг тил бойликларини ошириш, нутқнинг сифатли кўринишини ўргатиш, уларнинг тил бойликлари маънавий бойликларининг бир қисми эканликларини ҳис этишга кўмаклашиш.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни (1997 йил), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги давлат таълим стандарти ташкил этди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот методологиясини диалектик мантиқ қонунлари ташкил этади. Тадқиқотни амалга оширишда анализ қилиш, синтез қилиш, қиёслаш, узвий таҳлил, дистрибуция, зидловга қўйиш ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- учинчи синф “Ўқиш китоби” дарслигининг шакл ва мазмун тузилиши таҳлил этилди, унинг ДТС ва намунавий дастур мазмуни ифодалаши, бўлимларидаги материалларнинг тематикаси, ҳажм тузилиши, бадиий тур ва жанрлар бўйича таснифи белгиланди;

- “Ўқиш китоби”даги бадиий асарлар намуналарининг лексик хусусиятлари: кўп маънолилиги, шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, ўзлашмалик даражаси, услубий бўёқдорлик белгилари, фаол ва нофаолликка кўра турлари таҳлилга киритилди;

- дарсликдаги асарларнинг морфологик ва синтактик табиати юзасидан атрофлича таснифлар қилинди;
- дарсликдаги насрий асарларни ўқитишда ўқувчилар нутқини бойитиш йўллари учун амалий таклифлар ишлаб чиқилди;
- дарсликдаги шеърый асарларда бадиий санъат намуналари, шеър тузилишига оид бошланғич маълумотларни ўқувчиларда шакллантириш ишлари тавсия этилди;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Ушбу тадқиқот натижаларидан бундан кейинги ўқитишнинг замонавий воситалари юзасидан олиб бориловчи ҳар қандай изланишларга муайян илмий материаллар бера олиши билан назарий аҳамиятлидир. Амалий жиҳатдан тадқиқот материалларидан педагогика олий ўқув юртларининг 5111700 – “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналиши ўқув режасига киритилган “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси”, “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар”, “Ўқитувчи нутқи маданияти” фанларининг тегишли қисмларини ва бошланғич синф ўқиш дарсларини ўтишда фойдаланиш мумкин.

Кутилаётган натижалар ва муаммолар ечими: Учинчи синф ўқувчиларининг бадиий асар намуналарини ўқиш жараёнида тил бойликларини ўрганиш, ўз нутқларини бойитиш ва ундан амалда ўринли фойдаланиш, она тилининг гўзал имкониятларини ҳис этиш баробарида ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш йўллари ишлаб чиқиш, шеърнинг шаклий тузилиши ҳамда бадиий санъатларини эгаллаш малакаларини бойитиш, ўқитишнинг илғор замонавий методларини тавсия қилиш, олинган тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан қилинган таҳлили умумлаштирилиб, бошланғич таълим ўқитувчилари ва мутахассислари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тажриба-синов майдончаси: Данғара туманидаги 12-, Учкўприк туманидаги 19-умумий таълим мактаблар.

I. БОБ. УЧИНЧИ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛИГИНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

1.1. Учинчи синф ўқиш дарслигининг тузилиши ва матнларининг ДТС ва намунавий дастур талабларига мослиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган умумий ўрта таълим мактабларининг 3- синф учун амалдаги ўқиш дарслиги Муҳаббат Умарова, Хуршида Ҳамрақулова, Раъно Тожибоевалар томонидан тузилган бўлиб, 2012 йил “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида нашр этилган. Дарсликнинг масъул муҳаррири филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов, тақризчилари: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар шоири Турсубой Адашбоев, Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди Абдурозик Рафиев, Республика таълим маркази бошланғич таълим бўлими бошлиғи Назира Аҳмедова, Тошкент вилояти ПКҚТМОИ доценти Рихси Убайхўжаева, Тошкент шаҳар 26- мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Юлдуз Жабборовалар.

Учинчи синф ўқиш фани ДТС¹ асосида ўқув режада ҳафтасига 5 соат, йиллик 170 соат (синфда ўқиш – 153 соат, синфдан ташқари ўқиш – 17 соат) белгиланган ҳамда намунавий ўқув дастурда қуйидаги бўлимлар келтирилган: 1.Она битта, Ватан ягона (19 соат), 2.Халқ оғзаки ижоди (17 соат), 3.Куз манзараси ва меҳнат (14 соат), 4.Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз (13 соат), 5.Кумуш қиш (6 соат), 6.Ватан ҳимоячилари (6 соат), 7.Орзулар қанотида (10 соат), 8.Улуғлардан ўрганмоқ – оқиллик (18 соат), 9.Келди баҳор – гулбаҳор (11 соат), 10.Табиатни севинг ва асранг (6 соат), 11.Гўзал фазилят – инсон ҳусни (20 соат), 12. 9- май – Хотира ва Қадрлаш куни (4 соат), 13.Ёз фасли – соз фасл (6 соат). Дастур бўлимларига дарсликнинг бўлимлари номи ва ажратилган соатлари тўла мос келади.

1 Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi (1-4-sinflar). Toshkent, 2010. – 144 b.

1. “Она битта, Ватан ягона” бўлими учун дарсликда 16 та мавзу берилган, ўқув дастурда эса 12 та мавзу тавсия этилган. Дастурдаги “Матонатли инсон” матни дарсликка киритилмаган ҳолда Ориф Тўхташнинг “Ўзбекистон”, Миразиз Аъзамнинг “Ватан”, Эркин Маликовнинг “Ватанимиз герби – туғро ҳақида эртак”, Кавсар Турдиеваннинг “Обод маҳалла бўйлаб”, Эркин Маликовнинг “Ватан” асарлари келтирилган.

2. “Халқ оғзаки ижоди” бўлими учун дарсликда 14 та мавзу келтирилган, ўқув дастурда эса 6 та мавзу тавсия этилган. “Аҳиллик – улуғ бахт”, “Данаквой”, “Масаллар”, “Ўжар Тошбақа”, “Мақоллар”, “Топишмоқлар”, “Латифалар”, “Тез айтиш” каби мавзулар ўқув дастурда берилмаган. Шу бўлимда келтирилган “Олтмиш газ арқон” эртаги дастурда бу бўлим учун эмас, “Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз” бўлимига тавсия қилинган.

3. “Куз манзараси ва меҳнат” бўлими учун дарсликда 12 та мавзу берилган, ўқув дастурда эса 11 та мавзу тавсия этилган (2-мавзу нашрда тушиб қолган). Дарсликдаги “Куз”, “Бобур ва кабутар” матнлари дастурдан ўрин олмаган.

4. “Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз” бўлими учун дарсликда 9 та мавзу, ўқув дастурда эса 8 та мавзу тавсия этилган. “Олтмиш газ арқон” эртаги дастурда бу бўлим учун келтирилган бўлса-да, дарсликда “Халқ оғзаки ижоди” бўлимида берилган. Миркарим Осимнинг “Ёш ҳаким” ва “Алпомишнинг болалиги” асарлари матни дастурдан ўрин олмаган.

5. “Кумуш қиш” бўлими учун дарсликда 10 та мавзу, ўқув дастурда эса 8 та мавзу тавсия этилган. Дастурда келтирилмаган Яйра Саъдуллаеванинг “Қиш бўлмаса-чи?”, Тамилла Қосимованинг “Яхмалак” асарлари дарсликда берилган.

6. “Ватан ҳимоячилари” бўлими учун дарсликда 7 та мавзу келтирилган, ўқув дастурда эса 6 та мавзу тавсия этилган. Пўлат Мўминнинг “Ўктам авлод” шеър дарсликдагина берилган. Негадир, дастурда тавсия этилган “Бугун боламиз, эртага аскар бўламиз” мавзуси дарсликда “Бугун боласиз, эртага аскар бўласиз” тарзида, 1-шахс кўплик, 2-шахс кўплик шаклида берилган.

7. “Орзулар қанотида” бўлими учун дарсликда 9 та мавзу, ўқув дастурда эса 9 та мавзу тавсия этилган. Дастурдаги “Яхшилик”, “Компютер олами”, “Сайёралар”, “Соҳиба кимдан хафа?” тавсия матнлар ўрнига Миразиз Абзамнинг “Келажак бизники”, Абдусалом Умаровнинг “Қоинотга саёҳат”, Муаззам Иброҳимованинг “Қамонавий оила”, Эркин Маликовнинг “Унутилмас байрам” мавзулари берилган.

8. “Улуғлардан ўрганмоқ – оқиллик” бўлими учун дарсликда 10та мавзу, ўқув дастурда эса 8 та мавзу тавсия этилган. Дастурдаги “Қисоб илмидаги янгилик” матни дарсликда келтирилмаган, Миркарим Осимнинг “Зеҳни ўткир бола”, “Навоийнинг дўсти”, Сафар Барноев “Минора” матнлари берилган.

9. “Келди баҳор – гулбаҳор” бўлими учун дарсликда 13 та мавзу келтирилган, ўқув дастурда эса 13та мавзу тавсия этилган. Дастурдаги “Қўулам ёмғири матни ўрнига дарсликда Обид Расулнинг “Қочпопуқ тақдилар” мавзуси тақдим қилинган.

10. “Қабиатни севинг ва асранг” бўлими учун дарсликда 6 та мавзу, ўқув дастурда эса 5 та мавзу тавсия этилган. “Она қабиат”, “Ёрсеварни – эл севар”, “Қуҳбат”, “Нон ҳақида, “Қой суви ҳақида эртақ” мавзулари дастурга тўла мос бўлиб, дарсликда Ҳабиб Раҳматнинг “Богим” асари тавсия қилинган.

11. “Гўзал фазилат – инсон ҳусни” бўлими учун дарсликда 18 та мавзу, ўқув дастурда эса 16 та мавзу тавсия этилган. Дастурда тавсия қилинмаган Маҳмуд Муродовнинг “Соҳиба кимдан хафа?, Нурмат Мақсудийнинг “Яхшилик” ҳикоялари дарсликдан ўрин олган, қолган 16 мавзу дастурга мос.

12. “9-Май – Хотира ва қадрлаш куни” бўлими учун дарсликда 4та мавзу, ўқув дастурда ҳам 4та мавзу тавсия этилган, мавзулар тўла мос.

13. “Ёз фасли – соз фасл” бўлими учун дарсликда 5та мавзу келтирилган, ўқув дастурда ҳам 5та мавзу тавсия этилган, лекин дастурдаги “Ўқтам авлод” асари ўрнига Ҳамидулла Ёқубов “Инсон инсонга ўртоқ” шеъри берилган.

Намунавий дастурда 110 та, дарсликда эса 135 та мавзу тавсия этилган,

104 та мавзу дастур ва дарсликка тўла мос келади.

Ўқув йили якунида 3-синф ўқувчисининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:²

Билим:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, латифа, ривоят, ҳикоят, масал, ибора, афсонани жанрига кўра фарқлай олиш;
- бадиий асар мазмунига муносабат билдира олиш;

Кўникма:

- матндаги сўзларнинг маъноларини изоҳлай олиш;
- мактаб кутубхонасидаги китоблардан унумли фойдалана билиш;
- асардаги қаҳрамонлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- болалар ёзувчиларининг турли жанрдаги асарларини мустақил равишда танлаб ўқий олиш.

Малака:

- эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, халқ қўшиқлари, қиссалардан парчаларни тўғри, онгли, ифодали, сидирға ўқиш;
- ўқилган бадиий асарга режа тузиш;
- асар мазмунини қайта ҳикоялашда ўхшатиш;
- асар мазмунини қисқартириб, қайта ҳикоялаш;
- ўқиган асари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдириш;
- бир дақиқада 60-70 та сўз ўқиш;
- ўқув йили якунида 15 та шеърни ёддан ифодали айтиб бериш;
- мустақил ўқиш учун бир мавзу доирасида бир неча асар танлай билиш ва ифодали ўқиш;
- ўқилган асар асосида кичик сахналар қўйиш.

1.2. Учинчи синф ўқиш дарслиги материалларининг бўлимлар бўйича тематик тартибланиши

Мавзу – бу адабиёт ва санъатда ижодкор томонидан танланиб, унинг ғоясини акс эттирадиган бадиий тасвир объекти, ҳаётий материал доираси³дир. Шу асосда дарсликдаги матнларни қуйидаги мавзуларга тасниф этдик.

I. Мустақиллик ҳақидаги матнлар: Абдулҳай Носировнинг “Истиқлолга шараф-шон”, Муҳаммад Юсуфнинг “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор”, Пулат Мўминнинг “Мустақиллик аҳилликдан” шеърлари; Эркин Маликовнинг “Ватанимиз герби – туғро ҳақида эртак”, Абдусалом Умаровнинг “Истиқлол” кемаси” матни.

II. Она-Ватан ҳақидаги матнлар: Кавсар Турдиеванинг “Обод маҳалла бўйлаб”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жигарларга тилакларим” ва “Тошкентим – онам”, Миразиз Аъзамнинг “Ватан”, “Келажак бизники”, Ориф Тўхташнинг “Ўзбекистон”, Рауф Толибнинг “Юртим камоли”, Турсунбой Адашбоевнинг “Она тилим”, Шухратнинг “Салом, мактаб” шеърлари; Муаззам Иброҳимованинг “Замонавий оила” ҳикояси, Азиз Абдураззоқнинг “Ватанни суймак” ҳикояти, Ойдиннинг “Олтмиш газ арқон” эртаклари; Муҳаббат Ҳамидованинг “Она-Ватан”, Уллибибининг “Эъзоз”, Хуршид Давроннинг “Ватан мўғтабардир”, Эркин Маликовнинг “Тошкент” матни.

III. Тарихий шахслар ҳақидаги матнлар: Миркарим Осимнинг “Ёш ҳаким”, “Жалолиддин Мангуберди” ва “Зеҳни ўткир бола”, Ойбекнинг “Бола Алишер”, Пиримқул Қодировнинг “Бобур ва Ҳумоюн” ҳикоялари; Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Доноларнинг доноси”, Мирзо Каримнинг “Сайлда”, Хайриддин Султоннинг “Заҳриддин Муҳаммад Бобур”, “Соҳибқирон Темур бобо” ҳикоятлари; Бўрибой Аҳмедовнинг “Элим деб, юртим деб яшаган инсон” матни, “Бобур ва кабутар”, “Ибн Синонинг шогирдлари”, “Навоийнинг дўсти”, “Чўпон йигит Широқ” ривоятлари.

³ ЎЗМЭ. Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – 5 том. – Б.341.

IV. Умумхалқ байрамларимиз ҳақидаги матнлар: Дилфуза Камолжонованинг “Янги йил арчасига”, Миразиз Аъзамнинг “Ўзбекистон посбонлари”, Сафар Барноевнинг “Бош китоб”, Ҳабиб Раҳматнинг “Ботир аскарча”, Юсуф Шомансурнинг “Байрамингиз муборақ” шеърлари; Эркин Маликовнинг “Унутилмас байрам” ҳикояси, Дилфуза Камолжонованинг “Байрамингиз кутлуғ бўлсин”, Ёқутхон Раҳимованинг “Энг муқаддас кун”, Малик Муродовнинг “Меҳржон сайли” ва “Ерсеварни – эл севар матни”, Музайяна Алавиянинг “Наврӯз – баҳор байрами” матнлари.

V. Кишиларнинг меҳнат фаолияти ҳақидаги матнлар: Сафар Барноевнинг “Минора”, Толиб Йўлдошнинг “Ҳунарни сев”, Юсуф Шомансурнинг “Дарахтларни оқлаганда шеърлари; Абдулла Қодирийнинг “Гулзорда” Абдусодиқ Ирисовнинг “Қўштерак”, Қаям Тангриқуловнинг “Нон ҳақида”, Ойбекнинг “Меҳнаткаш қиз”, Сафар Барноевнинг “Бобонур”, Ўткир Ҳошимовнинг “Ҳазончинак”, Ҳаким Назирнинг “Бебаҳо бойлик” ва “Яхшилик ерда қолмас”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Ҳасса” ҳикоялари; Зоҳир Аъламнинг “Сой суви ҳақида эртақ”, Феруза Жалилованинг “Қўриқчининг сабоғи”, Яйра Саъдуллаеванинг “Данаквой” ва “Сухбат” эртақлари; Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Чумоли ва Типратикан” масали, Саъдий Шерозийнинг “Ҳотами Той” ривояти.

VI. Илм ҳақидаги матнлар: Пўлат Мўминнинг “Ўктам авлод”, Рауф Толибнинг “Биз – истиқлол фарзандларимиз”, Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида” шеърлари; Жамила Ҳайдарованинг “Икки қиз”, Нурмат Мақсудийнинг “Илмли минг яшар”, Фарҳод Мусажоннинг “Баракалла, бўтам” ҳикоялари; “Тил қудрати” ривояти.

VII. Санъат, китоб ва спортни севиш ҳақидаги матнлар: Ойгул Суюндиқованинг “Ватан ифтихори”, Шухратнинг “Қаламнинг ўкинчи” шеърлари; Тоҳир Маликнинг “Китоб” ҳикоялари; “Алпомишнинг болалиги” эртаги ва Абдусалом Умаровнинг “Коинотга саёҳат” фантастик эртаги.

VIII. Дўстлик ҳақидаги матнлар: Кавсар Турдиеванинг “Дунёни сақлар болалар”, Ҳамидулла Ёқубовнинг “Инсон инсонга ўртоқ” шеърлари;

Абдулла Қодирийнинг “Чин ўртоқ”, Йўлдош Шамшаровнинг “Варрак”, Маҳмуд Муродовнинг “Олма”, Нурмат Мақсудийнинг “Яхшилик”, Суннатилла Анорбоевнинг “Баҳс”, Ўткир Ҳошимовнинг “Чана” ҳикоялари; “Ботир мерган ва чақимчи”, “Донишманд йигит”, “Ҳалоллик”, “Аҳиллик – улуғ бахт”, “Ноаҳиллик оқибати”, “Дўстлар” эртаклари, Ҳамидулла Ёқубовнинг “Ўжар Тошбақа” масали.

IX. Ота-она, устозлар ҳақидаги матнлар: Анвар Обиджоннинг “Ўқитувчининг ўғитлари”, Сафо Очилнинг “Ота-она дуоси” шеърлари; Маҳмуд Муродовнинг “Соҳиба кимдан хафа?”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Бобонгиз хафа бўлсалар майлими?”, Собит Ғафуровнинг “Мағзи ширин”, Шукур Холмирзаевнинг “Йўлда”, Яйра Саъдуллаеванинг “Ёрдам берди” ҳикоялари; Қобуснинг “Қобуснома”дан “Ота-онани ҳурматлаш ҳақида” ҳикояти, Ўктам Усмоновнинг “Она меҳри” эртаклари, “Онани рози қилиш ҳақида”ги ҳадис.

X. Табиат ҳақидаги матнлар: Анвар Обиджоннинг “Сўнгги ахборот”, Ғайратийнинг “Бойчечак”, Зафар Диёрнинг “Баҳор яқин”, “Биринчи қор”, Илёс Муслимнинг “Қувноқ ўтсин таътилингиз”, “Лола”, Йўлдош Сулаймоннинг “Куз”, Қамбар Отанинг “Она табиат”, Қудрат Ҳикматнинг “Аямажиз”, Обид Расулнинг “Ёз” ва “Сочпопук тақдилар”, Ота Холмирзаевнинг “Қиш завқи”, Султон Жабборнинг “Қалдирғоч”, Толиб Йўлдошнинг “Куз келганда”, Ҳабиб Раҳматнинг “Боғим” шеърлари; Носир Фозиловнинг “Қуёнча”, Тамилла Қосимованинг “Яхмалак”, Яйра Саъдуллаеванинг “Қиш бўлмаса-чи?” ҳикоялари; Азиза Аҳмедованинг “Қиш” эртаги, “Йилнома”дан олинган “Қиш” ва “Олтин куз”, Дилфуза Камолжонованинг “Эрта баҳор” матнлари, Олим Қўчқорбековнинг “Қайсар бузоқча” масали, “Табиат билан суҳбат” ривояти.

1.3. Учинчи синф ўқиш дарслиги матнларининг адабий тур ва жанрлар бўйича таркибланиши

Таҳлил қилинаётган дарслигимизда лирик турга мансуб шеърлар, насрий турга мансуб ҳикоялар, ҳикоятлар, масаллар, драматик тур жанрига мансуб сахна; халқ оғзаки ижоди жанрлари: эртақ, ривоят, мақол, тез айтиш, топишмоқ, қўшиқ, латифалар; матбуот жанрига мансуб илмий-оммабоп матнлар ва интервью ўрин олган.

Шеър. Шеърый жанрга мансуб қуйидаги 45 номдаги асарлар келтирилган: Абдулхай Носировнинг “Истиқлолга шараф-шон”, Анвар Обиджоннинг “Сўнгги ахборот” ва “Ўқитувчининг ўғитлари”, Ғайратийнинг “Бойчечак”, Дилфуза Камолжонованинг “Янги йил арчасига”, Зафар Диёрнинг “Баҳор яқин”, “Биринчи қор”, Илёс Муслимнинг “Қувноқ ўтсин таътилингиз”, “Лола”, Йўлдош Сулаймоннинг “Куз”, Кавсар Турдиеванинг “Дунёни сақлар болалар” ва “Обод маҳалла бўйлаб”, Қамбар Отанинг “Она табиат”, Қудрат Ҳикматнинг “Аямажиз”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жигарларга тилакларим” ва “Тошкентим – онам”, Миразиз Аъзамнинг “Ватан”, “Келажак бизники” ва “Ўзбекистон посбонлари”, Муҳаммад Юсуфнинг “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор”, Обид Расулнинг “Ёз” ва “Сочпопук тақдилар”, Ойгул Суюндиқованинг “Ватан ифтихори”, Ориф Тўхташнинг “Ўзбекистон”, Ота Холмирзаевнинг “Қиш завқи”, Пўлат Мўминнинг “Мустақиллик аҳилликдан” ва “Ўктам авлод”, Рауф Толибнинг “Биз – истиқлол фарзандларимиз” ва “Юртим камоли”, Сафар Барноевнинг “Бош китоб” ва “Минора”, Сафо Очилнинг “Ота-она дуоסי”, Султон Жабборнинг “Қалдирғоч”, Толиб Йўлдошнинг “Куз келганда” ва “Хунарни сев”, Турсунбой Адашбоевнинг “Она тилим”, Ҳабиб Раҳматнинг “Боғим” ва “Ботир аскарча”, Ҳамидулла Ёкубовнинг “Инсон инсонга ўртоқ”, Шухратнинг “Қаламнинг ўқинчи” ва “Салом, мактаб”, Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида”, Юсуф Шомансурнинг “Байрамингиз муборак” ва “Дарахтларни оқлаганда”.

Ҳикоя. Эпик жанрга мансуб 34 номдаги ҳикоялар дарсликдан ўрин олган: Абдулла Қодирийнинг “Тулзорда” ва “Чин ўртоқ” (“Меҳробдан чаён” романидан парча), Абдусодиқ Ирисовнинг “Қўштерак”, Жамила Ҳайдарованинг “Икки қиз”, Йўлдош Шамшаровнинг “Варрак”, Қаюм Тангриқуловнинг “Нон ҳақида”, Маҳмуд Муродовнинг “Олма”, Маҳмуд Муродовнинг “Соҳиба кимдан хафа?”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Бобонгиз хафа бўлсалар майлими?”, Миркарим Осимнинг “Ёш ҳаким”, “Жалолиддин Мангуберди” ва “Зехни ўткир бола”, Муаззам Иброҳимованинг “Замонавий оила”, Носир Фозиловнинг “Қуёнча”, Нурмат Мақсудийнинг “Илмли минг яшар”, Нурмат Мақсудийнинг “Яхшилик”, Ойбекнинг “Бола Алишер”, “Меҳнаткаш қиз” (“Қутлуғ қон” романидан парча), Пиримқул Қодировнинг “Бобур ва Ҳумоюн”, Сафар Барноевнинг “Бобонур”, Собит Ғафуровнинг “Мағзи ширин”, Суннатилла Анорбоевнинг “Баҳс”, Тамилла Қосимованинг “Яхмалак”, Тоҳир Маликнинг “Китоб”, Ўткир Ҳошимовнинг “Хазончинак” ва “Чана”, Фарҳод Мусажоннинг “Баракалла, бўтам”, Ҳаким Назирнинг “Бебаҳо бойлик” ва “Яхшилик ерда қолмас”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Ҳасса”, Шукур Холмирзаевнинг “Йўлда”, Эркин Маликовнинг “Унутилмас байрам”, Яйра Саъдуллаеванинг “Ёрдам берди” ва “Қиш бўлмаса-чи?”

Ҳикоят. Дарсликда 6 номдаги Қобуснинг “Қобуснома”дан “Ота-онани ҳурматлаш ҳақида”, Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Доноларнинг доноси”, Азиз Абдураззоқнинг “Ватанни суймак”, Мирзо Каримнинг “Сайлда”, Хайриддин Султоннинг “Заҳриддин Муҳаммад Бобур”, “Соҳибқирон Темур бобо” ҳикоятлари ўқишга тавсия этилган.

Эртак. Дарсликда 16 номдаги эртаклар ўрин олган: Азиза Аҳмедованинг “Қиш”, Зоҳир Аъламнинг “Сой суви ҳақида эртак”, Ойдиннинг “Олтмиш газ арқон”, Ўктам Усмоновнинг “Она меҳри”, Феруза Жалилованинг “Қўриқчининг сабоғи”, Эркин Маликовнинг “Ватанимиз герби – туғро ҳақида эртак”, Яйра Саъдуллаеванинг “Данаквой” ва “Сухбат” ўзбек халқ эртаклари: “Ботир мерган ва чақимчи”, “Донишманд йигит”, “Ҳалоллик”, “Алпомишнинг болалиги”, қирғиз халқ эртаги “Аҳиллик – улуғ

бахт” ҳинд халқ эртаклари: “Ноаҳиллик оқибати”, “Дўстлар” (“Калина ва Димна”дан) ҳамда битта Абдусалом Умаровнинг “Коинотга саёҳат” фантастик эртаги жойлашган.

Илмий-оммабоп матнлар саноғи 14 тани ташкил қилади: “Йилнома”дан олинган “Қиш” ва “Олтин куз”, Абдусалом Умаровнинг “Истиқлол” кемаси”, Бўрибой Аҳмедовнинг “Элим деб, юртим деб яшаган инсон”, Дилфуза Камолжонованинг “Байрамингиз қутлуғ бўлсин” ва “Эрта баҳор”, Ёкутхон Раҳимованинг “Энг муқаддас кун”, Малик Муродовнинг “Меҳржон сайли” ва “Ерсеварни – эл севар матни”, Музайяна Алавиянинг “Наврўз – баҳор байрами”, Муҳаббат Ҳамидованинг “Она-Ватан”, Уллибибининг “Эъзоз”, Хуршид Давроннинг “Ватан мўътабардир”, Эркин Маликовнинг “Тошкент”.

Масал. Дарсликда 3 номдаги масаллар келтирилган: Олим Қўчқорбековнинг “Қайсар бузоқча” ва Ҳамидулла Ёқубовнинг “Ўжар Тошбақа” масаллари шеърӣ йўлда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Чумоли ва Типратикан” масали ҳикоявий баёнда берилган.

Ривоят эпик турга мансуб бўлиб, дарсликда саккизта келтирилган: “Бобур ва кабутар”, “Ибн Синонинг шогирдлари”, “Навоийнинг дўсти”, “Табиат билан суҳбат”, “Тил қудрати”, “Чўпон йигит Широқ” Саъдий Шерозийнинг “Ҳотами Той”, ва “Қирқ ҳадис”дан олинган “Ўғлон”.

Эркин Маликовнинг битта драматик турга мансуб сахна асари “Ватан” келтирилган.

Интервью – матбуот жанрига мансуб саналади, дарсликда битта “Бугун боласиз, эртага аскар бўласиз” Искандар Раҳмонов билан суҳбат берилган.

Ҳадис. “Онани рози қилиш ҳақида”ги ҳадис ўрин олган.

1.4. Дарсликдаги расмлар ва уларнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида

Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етуқ шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз⁴, бунинг учун давр талабига мос дарсликларнинг бўлишини таълим жараёни талаб этади. Дарслик – ДТС, ўқув дастури услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр⁵ бўлиб, унда фойдаланилган матнлар билан бир қаторда расмларнинг ҳам таълим-тарбиявий аҳамияти етакчи жиҳатлардан бири саналади. Биз 3-синф “Ўқиш китоби⁶”га ишланган расмларни таҳлил этиб, бу юзасидан қуйида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Амалдаги дарсликда жами саксонга яқин расмлар келтирилган бўлиб, улар бўлимлар ва унинг мавзуларини яққол ёритиш мақсадида ишланган. Дарсликда ўн учта бўлим бўлиб, шулардан 12 бўлим рамзий расмлар билан белгиланган, фақат битта “Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз” бўлими учун расм келтирилмаган. Агар бу бўлим учун ҳам расм белгиланганда ўқувчи кўз ўнгида бўлим янада яққол акс этиб турарди.

Дарслик муқоваси учун берилган расмда “Ўқиш китоби” 3 белгиси ва икки ўқувчининг китоб мутолааси билан бандлиги ифода этилган. Расмда дарахтлар, ўсимликлар, тоғлар, парвоздаги турналар, булутлар, иморатлар тасвирланган. Ҳавоси тиниқ Ватаннинг мусаффо кунларида бахтиёр икки ўқувчининг саодатли келажак учун билим ўрганиши ёрқин рангларда ифода этилган. Расмда оламнинг тинчлик белгиси сифатида мовий ранглар уйғунлиги талқини киши эътиборини тортади. Аммо негадир дарахтлар кеч

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.130.

⁵ Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тошкент: Фан ва технология, 2009. – Б.114.

⁶ Umarova M... O'qish kitobi. 3-sinf. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – 224 b.

куз манзарасини ифода этган ҳолда майсалар ям-яшиллиги ва тоғнинг ранги эрта баҳорни эслатади. Дарсликнинг 2010 йилги нашрининг ранги жуда ёрқин бўлиб, кишининг эътиборини ёшликка, гўзалликка тортарди, айниқса орқа фонда талай предметларнинг тасвир жойлаштирилган эди.

Учинчи бетдаги дарсликка кириш мавзусига Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан олинган: “Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”, – деган сўзлари келтирилиб, бахтиёр Ўзбекистон болаларининг Мустақиллик аркаси пойида шод ва хуррам расмлари ифодаланган. Шу ўринда болалар билан биргаликда мураббийнинг сурати ҳам акс эттирилганда уларнинг ўқиш ва изланишлари бирлиги намоён бўларди.

Дарсликдаги талай расмларда Шарқ гавҳари Тошкентимизнинг гул ва бахтга, фируза рангга бурканган кўчалари ва истиқлол осмонига бўй чўзган бинолари, чароғон тунлари кишини узоқ хаёлга олиб қочувчи бўёқлар билан тасвирга олинган.

Азиз Абдураззоқнинг “Ватанни суймак” эртаги учун ишланган расмда асар персонажи Қаҳрамонжоннинг яйдоқ чўл бағридаги қуриётган ҳовуз олдида таажжубланиб тургани акс эттирилган, бунда сувнинг кириш йўли чизилиб, қуриб бораётгани кўрсатилса, расм янада жонли чиқар эди.

“Тил қудрати” ривояти учун ишланган 14-бетдаги расмда икки олимнинг ўзаро мунозараси яшил далада акс эттирилган, ахир тортишув далада бўлиб ўтганига ривоятда ишора йўқ-ку. Олимларнинг гавда тасвири бузилган: иккинчи кексанинг елкалар номутаносиб, бирининг соқоли оппоқ бўлган ҳолда иккинчисининг соқоли қоп-қора, ривоятда уларнинг тортишганларига қараганда, ёшлари тенг бўлиши керак. Худди шу икки доноларни 135-бетда айна шу қиёфада фақат орқа фонда шаҳар акс эттирилган ҳолатда кўрамиз. Бунда болалар иккинчи бора уларни бобомиз Навоий тимсолида қабул қила олмасалар керак. Чунки 136-бетда бобомизнинг иш устида ифодаланган расми аввалги бетдаги икки дононинг

хеч бирига ўхшамайди. Бу ўринда Навоий бобомизнинг ўз расмларини келтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу каби такрорга 122- ва 210-бетларда ҳам дуч келдик. Тахта девор билан ўралган ҳовлида Абдулазиз ва Анвар гуллар парвариши билан машғул. Ҳовлининг кўриниши бир-бирига яқин тасвир этилган, айниқса тахта девор кам фарқланади. Расмда Анвар фаолияти билан боғлиқ предметлар анчайин сунъий бўлиб қолган, чунки 19-асрнинг 50-70- йилларида тахта деворларнинг ўзбек хонадонида, яна маҳдумнинг уйида бўлиши, бу ҳам етмагандек дарвоза устига ҳозирда урф бўлган шапканинг кийдирилиши, гулхонанинг бетонли чегараланиши кишини ишонтира олмайди. Ҳаммамиз ўқиганмиз, романда маҳдумнинг хонадони бу кўринишда эмас, балки ички ва ташқи уйлардан иборат миллий кўринишда бўлган.

Кавсар Турдиеванинг “Обод маҳалла бўйлаб” шеърига ишланган расм ўта жонли ва ҳаётий ёрқин рангларда кувноқ болаларнинг беғубор ўйинлари замирида акс эттирилган. Худди шундай ўқувчилар ҳаётига доир расм 22-бетда жойлашган, унда мураббий ва ўқувчиларнинг бахтиёр ҳаёти, мазмунли суҳбати ёритилган.

“Халқ оғзаки ижоди” бўлимига ишланган расмда ўзбекнинг дostonчи бахшиси кўлида дутори билан ижро устида акс эттирилган. Дostonчининг оппоқ соч-соқоли унинг оқ умр йўлини, дутори олам сир-сinoатларини, учар отлар инсоннинг чексизликка парвозини, гўзал қалдирғоч эса тинчлик-омонликни ифода этган. Расмда киши ўзини учар гиламча билан узоқларга – эртақлар оламига учаётгандай ҳис этади.

“Куз манзараси ва меҳнат” бўлими учун, Маҳмуд Муродовнинг “Олма”, Ўткир Ҳошимовнинг “Хазончинак” ҳикояси учун келтирилган расмларда кузнинг маҳзун ифодаси акс этиб, пишиқчилик, мўл-кўлчилик монанд рангларда берилган, юртнинг бунёдкорлари ўз меҳнатлари билан фахр туйғусини тараннум этаётгани бахтиёрлик билан намойиш қилмоқда. Дастурхон тўкинчилиги кишининг шундай фаровон ҳаётга ва унинг

иждокори мухтарам президентимизга тасаннолар айтиб, беҳад шукроналар қилишга ундайди.

Миркарим Осимнинг “Жалолиддин Мангуберди” ҳикояси учун икки расм берилган. Суратларда Жалолиддиннинг мўғул босқинчилари билан олиб борган мардонавор жанг манзараси ва дарёдан кечиб ўтишдаги мағрур ҳаракати ифода этилган. Жасур ватанпарварнинг тилларда дoston бўлган мардликларига бола расм орқали яна бир бора ошиқ бўлади. Бу борада аждодларимиз руҳига юрбошимизнинг беҳад ҳурматлари баланд бўлганлигини ва Мангуберди номи билан юритиладиган давлат нишонимиз бежиз таъсис этилмагани бу қаҳрамон қаршисида ҳурмат бажо келтириш, шарафлашимизнинг исботидир. Инсон дунёга келиб Ватанинг учун, халқинг учун бор кучингни бериб фаолият қилсанг, меҳнатингни доно юртбошинг эътироф этиб, олам баробар кўкларга кўтарса, сени миллат қаҳрамони – тимсолга айлантурса. Бу оламдаги энг юксак бахт эмасми?

“Алпомишнинг болалиги”, “Чўпон йигит Широқ”, “Бола Алишер”, “Элим деб, юртим деб яшаган инсон”, “Бобур ва Ҳумоюн” асарларига ишланган расмларда миллий афсонавор қаҳрамонларимизни киши қалб тубидаги ранглар билан акс эттирилгани рассомнинг ютуғидир. Халқимизнинг ўлмас орзуларини рўёбга чиқарувчи шу каби паҳлавонлар доимо элимизга ёр бўлиши исталган. Донишманд юртбошимиз: “Ўйланманки, ўзини ўзбек халқининг фарзанди деган ҳар қайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фахрланади, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатади. Ва ҳеч шубҳасиз, умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истиқболи учун курашиб яшайдиган шундай қаҳрамон фарзандлари бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди”⁷ деб қаҳрамонларимизга бежиз таъриф бемаганлар.

Ойбекнинг “Меҳнаткаш қиз” мавзуси учун келтирилган расмда косиб Шокир ота ва унинг асранди қизи Унсиннинг иш устидаги расми ҳамда

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.169.

дўконнинг умумий кўриниши, янги тикилган маҳсилар акс эттирилган. Роман парчасини ўқиган ўқувчи Унсиннинг чехрасида балқиб турган меҳнаткашлигига расмни кўргач, яна бир бора иқроф бўлади. Аммо ҳикояда қизнинг дўконда эмас, ичкари уйда ўтириб иш тиккани ҳикоя қилинган.

Умуман, дарсликдаги расм ва суратлар мантлардаги воқеаларни ўзида акс эттира олган, педагогик ва илмий талабларга жавоб беради, мустақиллик медалари – фарзандларимизнинг истиқлолдаги бахтли келажакларини яратишга хизмат қилади.

Шу билан бирга юқорида кўрсатиб ўтилган айрим мулоҳазаларимиз қайта нашрда ҳисобга олиб тўғриланса, дарсликнинг сифати янада ошар эди.

Биринчи боб бўйича хулоса:

1. Учинчи синф “Ўқиш китоби” дарслигининг шаклий ва мазмуний тузилиши ДТС талабларига мос келади.

2. Учинчи синф ўқиш дарслигининг бўлимлари ДТС мавзуларига тўла мос келади, мавзулар бироз замон талаблари билан янгиланган бўлса-да, миқдоран ўқув режа соатларни қамраб олган.

3. Дарслик материалларини ўн тур асосида таркиблаган бўлсак ҳам, барча матнларнинг бош ғояси она-Ватаннинг бахтли келажаги учун, Мустақилликнинг абадийлиги учун, дунё тинчлиги, одамлар бахт-саодатини тараннум қилинган матнлар ўрин олган.

4. Дарсликда шеърлар, насрий турга мансуб ҳикоялар, ҳикоятлар, масаллар, драматик тур жанрига мансуб сахна; халқ оғзаки ижоди жанрлари: эртак, ривоят, мақол, тез айтиш, топишмоқ, қўшиқ, латифалар; матбуот жанрига мансуб илмий-оммабоп матнлар ва интервью ўрин олганлиги жапнрий ранг-барангликни таъминлай олган.

5. Учинчи синф ўқиш дарслиги матнлари шеърий турнинг бармоқ вазнига хос шеър, масал; насрий турнинг ҳикоя, эртак, илмий-оммабоп матн каби жанрларини қамраб олганлиги ўқувчиларнинг адабий тур жанрлари билан таништириш вазифасини бажаришга хизмат қилади.

6. Мақол, ҳикматли сўз, топишмоқ, эртак, масал жанрлари ҳақида назарий маълумот келтирилганлиги ўқувчиларнинг адабий тасаввурларини бойитиб, келгуси ўқув фаолиятларини ташкиллашга фундамент бўлади.

7. Дарсликдаги савол ва топшириқлар анъанавий йўлнинг давоми сифатида ташкилланган, баъзида новаторлик ҳолатлари ҳам яққол кўринади.

8. Учинчи синф ўқиш дарслигининг бўлимлари ва уларнинг матнлари учун келтирилган расмлар ёрқин рангда киши эътиборини тортадиган даражада ҳамда болалар ёшига хослиги билан мақсадга мувофиқдир.

II. БОБ. УЧИНЧИ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛИГИНИНГ ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Учинчи синф “Ўқиш китоби”да кўп маъноли ҳамда сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг ишлатилиши

Кўп маъноли сўзлар. Гапдан ташқарида бир маънони, гап таркибида бошқа маънони ифодаладиган сўзлар **кўп маъноли (полисемантик)** сўзлар дейилади. *Телевизор, чумчуқ, мен, сен, кечаги, бешала, бугун* каби сўзлар бир маъноли сўзлардир. *Тош* йўл, *тош* юрак бирикмаларида *тош* сўзи кўп маъноли сўз. Полисемия (кўп маънолилиқ) тилдаги деярли барча туркум сўзларга хосдир.

Ижодкорнинг бутун маҳорати сўз билан ишлашда намоён бўлади. Кўп маъноли сўз устида ишланганда сўзнинг барча қирраларини англашга эътибор қаратилиб, ўқувчининг ўқиш даражасини ҳисобга олинади. Кўп маъноли сўзларни ўз ўрнида, муайян эстетик мақсад билан қўллай олишидан ҳам аниқласа бўлади. Кўп маъноли сўзлар нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашувчи лисоний восита ҳисобланади.

Дарсликдаги Дилфуза Камолжонованинг “Байрамингиз қутлуғ бўлсин” номли илмий-оммабоп матни (3-4-бетлар)да “*Эртанинг эгалари – Сиз ёшларга фан, таълим, маданият, спорт ва санъат соҳасида имкониятлар эшигини очиб берган олтин қалитдир.*”

1991 йилнинг 31 августи Ватанимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди”.

Дарсликнинг 159- бетида берилган Юсуф Шомансурнинг “Дарахтларни оқлаганда” шеърида:

Қолдирмай ҳеч дарахтни,

Оҳак билан оқлашди.

Ўқувчилар бурчини,

Бу сафар ҳам оқлашди.

Келтирилган парчада *оқлашди* сўзи икки маъно ифодаламакда. Буни куйидагича луғат изоҳи асосида ўқувчиларга етказамиз:

Оқламок 1 Оҳак, бўр каби оқ тусга кирувчи нарса билан бўямок.
Деворни оқламок. Уйни оқламок.

Ишончни оқламок Билдирилган ишончга муносиб иш қилмок. *Бу йигит лаёқатли ишчан, шубҳасиз, ишончларини оқлайди.*

Ўқувчиларга юқоридаги изоҳ келтирилгач, кўп маънолилиқ бир сўзнинг ўз ва кўчма маънода келишини тушунадилар ва маъно боғлиқлигини аниқлаб, шаклдошликдан фарқлайдилар. Ўқувчиларга куйидаги каторларни давом эттириш топширилади:

Оқламок... (бўямок, ранг бермок).

Оқламок... (бурчини оқламок, бажармок, адо этмок, ўринлатмок).

Ўқувчилар нутқини кўп маъноли сўзлар ҳисобига бойитиш мақсадида гаплар туздирилади: *Дўстларимиз билан мактаб боғидаги дарахтларни оқладик. – Ўқитувчиларимизнинг бизга билдирган ишончини оқладик.*

Ўзбек тилида маъно кўчишнинг куйидаги усуллари мавжуд:

1. Метафора (грекча: *кўчириш*) – бирор предмет шаклининг, белгисининг, ҳаракатининг ўхшаш томонини бошқасига кўчиришдир: 1) **ш а к л и й** ўхшашлик – *одам қулоғи* (ўз м.) – *қозоннинг қулоғи* (кўчма м.). Умуман мавжудотларнинг аъзолари билан боғлиқ кўчишлар жуда кўп учрайди: *столнинг оёғи*, *арранинг тиши*, *варракнинг думи*, *ўчоқ оғзи*, *арикнинг лаби*, *эгарнинг қоши*, *ёғочнинг бели*, *мактабнинг биқини* (ёнбоши), *рубобнинг қорни*, *кўчанинг боши*, *кеманинг тумшуғи* ва ҳоказо; 2) белги ўхшашлиги – *енгил эшик* (ўз маъ.) – *енгил таъзим* (кўчма маъ.). *Иссиқ юз*, *совуқ хабар*, *ширин сўз*, *аччиқ ҳақиқат*, *оқ (қора) кўнгил*, *бемаза гап*, *ёруғ юз*, *очиқ кўнгил*; 3) **ҳ а р а к а т** ўхшашлиги – *инни узмок*

(ўз м.) – *қарзни узмоқ* (кўчма маъно). Ўзбек тилидаги ҳаракат билдирувчи деярли ҳар бир сўз кўчма маънога эгадир.

2. Метонимия (грекча: *қайта номлаш*) – нарса, белги ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқадорлик асосида маъно кўчишидир. Бунда:

1) нарсанинг номи шу нарса ичидаги бошқа бир нарсага кўчирилади: *аудитория* – хона, *аудитория* кулди – хона ичидаги одамлар;

2) нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлиги номига кўчирилади: *қоп* – нарса, *беш қоп шакар* (ўлчов бирлиги); 3) ўлчов бирлиги номи шу ўлчов бирлиги билан боғлиқ бўлган нарса номига кўчирилади: *тўқсон беш* – ўлчов бирлиги, *тўқсон беш чой* – чой нави; 4) муаллифнинг номи унинг асарларига кўчирилади: *Навоийни кўп мутолаа қилган*.

3. Синекдоха (грекча: *бирга англаш, назарда тутиш*) – шахс ёки предмет қисми номини айтиш билан ўзини тушуниш ёки ўзининг номини айтиш билан унинг қисмини тушуниш асосида маъно кўчишидир: 1) қисм номи бутунга кўчади: *Дунёда ўзимиздан кейин қоладиган тўғимиз...* (А. Қодирий). *Тирноқ* (фарзанд маъносида), *кўз* (маҳалла қора кўзлари), *қулоқ* (Эшитган қулоқ нима дейди?), *қўл*, *оёқ* (эгри қўллар, қинғир оёқлар – ўғрилар маъносида), *бош* (Бу бош нималарни кўрмади?!), *ёстиқ* (ҳаёт, умр маъносида – Уруш кўпларнинг ёстиғини қуритди), *юрак* (Шер юраклар жангда чекинмайдилар!), *бўйин* (Йўғон бўйинлар бекор юришибди), *тиш* (Сичқон тиш тиржайиб жавоб берди...), *соч* (Жингалак соч бурилиб қаради.), *юз* (Рапида юз ёйилиб кулди.) сўзлари ҳам синекдоханинг

шу турига мисол бўла олади. 2) бутун номи қисмга кўчади: *қўл* (*Беш қўл баробар эмас*), *панжа* (*Беш панжангни оғзингга тикма*), *ош* (умуман овқат маъносидан *палов* маъносига кўчади) каби сўзлардаги маъно кўчиши синекдоханинг шу турига мисол бўла олади.

4. Киноя – сўзларнинг акс маънода қўлланишидир. Бундай кўчишларни тушунтириш учун сўзлар ёзувда қўштирноққа олинади: *Қўшиннинг олдинги қисми “душман” лагерини эгаллашга улгурган эди.*

5. Вазифадошлик асосида маъно кўчиши нарсаларнинг бажарадиган вазифаси ўхшашлиги жиҳатидан маъно кўчишидир: *ўқ* – ёй ўқи; *ўқ* – милтиқ ўқи, *томир* – дарахт илдизи; *томир* – қўл томири, *сиёҳ* – ёзувда қўлланадиган қора рангдаги суюқлик (*сиёҳ* – форс-тожикча *қора* деганидир), *сиёҳ* – ёзувда шу вазифани бажарадиган ҳар қандай рангдаги суюқлик; *чироқ* – керосин билан ёнадиган ёруғлик таратувчи асбоб, *чироқ* – электр токи ёрдамида ёруғлик таратувчи худди шу вазифани бажарадиган асбоб; *кўмир* – илгарилари ўтинни кўмиб куйдириш орқали олинадиган ёқилғи тури, *кўмир* – ер остидан қазиб олинадиган ва худди шу вазифани бажарадиган ёқилғи тури.

Маънодош сўзлар (синонимлар) талаффузи, ёзилиши ҳар хил бўлган бир умумий тушунча (маъно) ифодаладиган сўзлардир. Синонимлар биридан қўшимча маъно қирраси, эмоционал бўёғи, қўлланилиши жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Синонимлар тилни лексик томондан бойитади, шунинг учун бундай сўзлар билан ишлаш жуда муҳим. Киши луғатида синонимлар қанча кўп бўлса, унинг тил ифодалилиги шунча ортади.

Тилшуносликда маънодошликнинг, асосан, уч тури фарқланади, яъни: 1) лексик маънодошлик; 2) фразеологик маънодошлик; ва 3) лексик-фразеологик маънодошлик⁸.

Лексик маънодошликдан бир неча мақсадларда фойдаланилади. Тил бирликларининг такрори натижасида юзага келадиган ифода камбағаллиги ва рангсизлигидан қочиш учун. Дарсликнинг 5-бетида шоир Шухратнинг “Салом, мактаб” шеърида қуйидаги маънодош сўзлар келтирилган:

Соя-салкин боғларда,
Ўйнаб йиғдик куч-қувват.

Ориф Тўхташнинг “Ўзбекистон” шеърида: “Тупроғи зар, дур Ватан”, “Энг мукаддас, энг буюк”, Турсунбой Адашбоевнинг “Она тилим” шеърида: “Ранг ва қиёс олган тилим”, Кавсар Турдиевнинг “Обод маҳалла бўйлаб” шеърида: “Бизнинг маҳалла ва кўй, Ҳар бир хонадон ва уй”.

Бошланғич синф ўқувчиларига алоҳида дарс соатларида синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқ ёрдамида шакллантирилади. Синонимлар билан ишлаш элементар тарзда 1-синфдан бошланади: ўқувчилар берилган сўзнинг синонимини топишга, бошқача қилиб қандай айтиш мумкинлигини тушунтиришга, 2–3-синфларда эса берилган сўзнинг 2–3 синонимини топиб айтишга қаратилади.

Дарсликнинг 21-бетидаги А.Обиджоннинг “Ўқитувчининг уғитлари” шеъри устида ишланганда “*Нондек азиз, нондек увол*” мисрасидаги азиз сўзига маънодош сўзлар топиш вазифаси топширилади. Ўқувчилар ёки ўқитувчи: *азиз, қадрдон, қадрли, қимматли*⁹ сўзларини келтириб, матндаги азиз сўзи ўрнида ишлатиб кўрилади: *нондек азиз, нондек қадрдон, нондек қадрли, нондек қимматли*.

183-бетдаги Абдулла Қодирийнинг “Чин дўст” асари ўтилганда чин дўст бирикмасидаги чин сўзи *рост, тўғри, ҳақ, ҳаққоний, очиқ*¹⁰ сўзлари

⁸ Қаранг: Асқарова М., Қосимова М., Жамолхонов М. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б.29.

⁹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.16.

¹⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.167.

билан синонимлашса-да, аммо ҳикоядаги чин сўзи содиқ, садоқатли, вафодор¹¹ сўзлари билан маънодошлик ҳосил қилади.

Шаклдош сўзлар. Тилимизда товуш (ёзувда ҳарфий) томони бир хил бўлиб, турлича маъноларни ифодаловчи сўзлар мавжуд. Бундай сўзлар омонимлар деб аталади.

Омоним сўзлар бир неча предмет ва ҳодисаларнинг номини бир хил атаб келади. Талаффузи ва ёзилиши бир хил, аммо аташ маъноси ҳар хил бўлган “Тил бирликларининг ифода планида тенг келиш ҳодисаси”га мансуб сўзлар омоним сўзлардир. Омонимлик ҳодисаси тилимизнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, бу ҳодиса тилда сўзларнинг миқдори ҳаддан зиёд кўпайиб кетмаслигига, тилдаги сўзларни ихчамлашга ёрдам беради.

Омоним сўзлар бошланғич синф дарсликларида ҳам учрайди. Бундай сўзлар омонимлар ва изоҳли луғатда алоҳида-алоҳида сўз сифатида рим рақами билан (нуқтасиз) бош сўз қилиб берилади. Мисол: **Боғ I 1** Мевали дарахт, гул, ток ва ш.к. банд этган ер майдони... **Боғ II 1** Боғлайдиган нарса ва унинг тугилган (боғланган) жойи...

Хусусан, шаклдошлик ҳодисаси учинчи синф “Ўқиш китоби” дарслиги саҳифаларида ҳам мавжуд: *тилим, бош, бўй, бог, боглар, сумалак, тош, оқ, соз, оқламоқ, жар* каби.

Шаклдош сўзлар бошланғич синф дарсликларида учраб турса ҳам, бунга баъзида безътибор бўламиз, лекин бу ҳодисани ўқувчиларга ўз ўрни билан сингдириб бориш жуда мақсадлидир. Бошланғич таълимда шаклдош сўзлар билан ишлаш жараёнида икки ҳолат кузатилади: бир матнда шаклдош сўзларнинг бирга келтирилиши ёхуд матнда шаклдош сўзнинг фақат бири ишлатилиши. Қуйида шу тартиб асосида иш жараёнини олиб борилишини кузатсак. Бунинг учун аввало бир матндаги бир неча шаклдош сўзлар устида ишлаш йўллари таҳлил этиб ўтамиз.

Дарс мобайнида шаклдош сўзлар қатнашган матндан сўз ўқувчиларга қандай маъно ифодалашини етказиш зарур. Бола бу сўзларнинг маъноларини

¹¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.178.

билиб олиш баробарида ҳаётий сўзлашув мулоқотнинг гўзал намунасига эриша боради.

Омоним сўзлар билан ишлаш жараёнида ўқувчилар нутқини бойитиш мақсадида шаклдошлик иштирокидаги сўз бирикмаси ва гаплар устида ишлаш тажрибада энг самарали усул саналади.

Дарсликнинг 15- бетида Турсунбой Адашбоевнинг “Она тилим” шеъри берилган:

Буюк Темур жаҳон бўйлаб,
Ўз доврўғин солган *тилим*.
Мир Алишер бобомлардан,
Мерос бўлиб қолган тилим.
Бобур Мирзо шеърларидан,
Ранг ва қиёс олган тилим.
Шундай тилдан тонар бўлсам,
Қийма-қийма бўлсин *тилим*.
Алла бўлиб жаранглаган,
Она тилим – жон-у дилим.

ТИЛ I 1 анат. Оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш, оғизга овқат олиш, ялаш ва ш.к. лар учун хизмат қиладиган мускулли аъзо. *Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим.*

ТИЛ II 1 Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг ўрганиш объекти. *Одам тилидан топар, ҳўкиз – муғузидан.*

Бу ўринда шеърда олти марта ишлатилган тил сўзи ўзаро таққосланади: солган тилим, қолган тилим, олган тилим, шундай тил, она тилим, қийма-қийма бўлсин тилим.

Юқоридаги иккинчи изоҳ дастлабки тилим сўзларини, биринчи изоҳ қийма-қийма бўлсин тилим бирикмасига мос келади.

Шаклдошликни фарқлаш учун “*Кўп қанд еган эдим, тилим оғриб қолди. – Онаминг тили жуда ширин*” гаплари мисол сифатида келтирилади.

95-бетда Кавсар Турдиеванинг “Дунёни сақлар болалар” шеърида: (“Ишонган боғлар – болалар... Умидни боғлар болалар...”) *боғлар* шаклдош сўзи учрайди.

Боғлар сўзи от туркумига мансуб бўлиб, боғ асосига кўплик шакли кўшиш орқали ясалган, иккинчи боғлар феъли эса боғ асосига -ла феъл ясовчини кўшишдан ясалган, -р орқали феълнинг сифатдош шакли ҳосил қилинган. Ўқувчиларга қуйидаги мисоллар орқали шаклдош сўзлар маъноси очилади:

Гўзал боғ. Бизнинг мевали катта боғимиз бор.

Умид боғламоқ. Ватанимиз бизларга катта умид боғлаган.

Дарсликнинг 100-бетида Қудрат Ҳикматнинг “Аямажиз” шеърида: “Тарновларда сумалак, шодалари чириллар” мисрасида сумалак сўзи шаклдош сўз бўлиб, бу ўринда шаклан икки шаклдошлик келтирилмаган бўлмаса ҳам, бу ўриндаги сумалак сўзи нутқий фаол бўлмаганлиги сабабли шарҳлашни лозим топдик:

Сумалак I от. Қорнинг эриб оқиб, қайта музлаши натижасида ҳосил бўладиган найсимон, чўзинчоқ муз. Ўнг томонда шоҳи пардадек осилиб турган япалоқ, лентасимон сумалаклар ҳам жуда чиройли эди.

Сумалак II от. Ундириб янчилган буғдой, ун ва ёғ аралашмасидан тайёрланадиган, сервитамин, хушхўр ҳолвайтарсимон овқат (одатда баҳор кезлари аёллар ўртасида халфана асосида пиширилади). *Бу кеча – гулгун кеча, Ўчоқда ўт тонггача, Ким пиширса сумалак, Яшасин – эй минггача .*

Ўқувчилар бу маънодош сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузиш орқали нутқий хушёрликни эгаллайдилар: *осилган сумалаклар – ширин сумалак, мрамардек сумалак – севимли сумалак, Уйимиз тарновидаги сумалаклар иссиқдан эриб тушмоқда. – Маҳалламизнинг аёллари сумалак пиширди.*

Эркин Маликовнинг “Ватанимиз герби туғро ҳақида эртақ” (10-бет)да: “Жарчилар жар солибди” гапидаги жар сўзининг шаклдошини топиш ўқувчиларга топшириқ сифатида топширилади. Ўқувчилар сўзни шарҳлагач,

қуйидаги гаплар асосида изоҳланади: *Жарчининг гапини эшитган халқ майдонга йиғилди – Жар ёқасига бориш хавфли.*

Юқоридаги каби шаклдош сўзлар билан ишлаш ўқувчиларнинг нутқий хушёрлигини ошириш билан бирга луғат китоби турлари ва улар билан ишлаш малакасини ҳосил қилишнинг бошланғич кўриниши саналади.

Зид маъноли сўзлар. Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан биридир. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади. Одатда, лисоний ва контекстуал ёки нутқий зид маъноли сўзлар фарқланади. Эркин Воҳидовнинг дарсликнинг 182-бетда берилган “Камтарлик ҳақида” шеърида манманлик ва камтарлик қуйидагича ўзаро зидланади: *“Гарчи шунча мағрур турса ҳам, Пиёлага эгилар чойнак”*.

Дарсликда зид маънолиликини барқарор бирикмаларда ҳам кўплаб кузатишимиз мумкин. **Ибораларда:** фиғони фалакка чиқмоқ – дардини ичига ютмоқ, кўнгли оқ – ичи қора, кўзига иссиқ кўринмоқ – кўзига совуқ кўринмоқ каби. Ёки сўз ва ибора ўртасидаги – лексик-фразеологик зид маънолилики: хасис – қўли очик, хафа – оғзи қулоғида каби. **Мақол ва ҳикматларда:** Ўзга юртнинг гулидан ўз юртининг чўли яхши (7-бет), Илмли минг яшар, илмсиз бир яшар. Кўп билган оз сўзлар, Оз сўзласа ҳам соз сўзлар.

2.2. Учинчи синф ўқиш дарслиги материалларида ўзлашма, услубий бўёқдор, фаол ва нофаол сўзларнинг қўлланишига доир

Ўзбек халқи қадим замонлардан буён бошқа халқлар билан алоқада бўлиб келган. Бу тилимизда ҳам акс этган. Ўзбек тилига бошқа тиллардан кирган қуйидаги сўзларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1) арабча: маънавият, авлод, аждод, ҳур, фикр, санъат, соҳа, имконият, мактаб, соҳа, имконият, саҳифа, эълон, халқ, давлат, рамз, мадҳия, қонун, мукаммал, дунё, эътироф (барча сўзлар 3-бетдаги Дилфуза Камолжонованинг

“Байрамингиз кутлуғ бўлсин” матнидан), муҳандис (116-), муҳаррир (117-), рассом (117-), маҳалла (118-), таъриф (126-), мутолаа, мўътабар (127-), *китоб, маъно, ҳаракат, саноат, муомала, доим, меъда, аъло, асосий, оммавий, оддий, миллий, абадий, аммо, бироқ, балки, ва, лекин, ваҳоланки* (ўзбек тилидаги арабча сўзлар кўпроқ **от** ва **сифат** туркумига тегишли бўлиб, уларнинг белгилари қуйидагилардир: иккита унли ёнма-ён келади: *доим, шоир, муомала, шижоат, шуур, иншоот, мурोजаат, табиий*; айириш белгиси (**ъ**) иштирок этади: *маъно, қалъа*; кўпинча юмшоқ **ҳ** товуши катнашади; *-ий, -вий* қўшимчаларини олиб ясалган бўлади);

2) форс-тожикча: фарзанд, ватан, иморат, касб, обрў (3-), корхона (117-), донишманд (126-), ложувард (211-), *барг, анор, нодон, доно, камтар, тилла, каптар, дастурхон, даструмол, пойдевор, пойафзал, дарҳол, дарвоза, хурсанд, фарзанд, дўст, гўшт, сушт, нашт, гишт* (Кўриняптики, форс-тожикча сўзларда *пой, даст, дар* каби қисмлар катнашяпти, сўзлар охирида жарангсиз ундошлардан кейин *т*, жаранглидан кейин *д* товушлари иштирок этипти);

3) мўғулча: *туман, навкар, ясовул, ясоқ*;

4) уйғурча: *манти, лағмон, манпар*;

5) хитойча: *чой* (хитой тилида *тцай* дейилади);

6) русча: *стол, стул, ручка, самолёт, паровоз, пароход, пулемёт, перо, чёт (счёт)*.

Рус тилидан олинган сўзлар орасида асли келиб чиқиши бошқа тилларга хос сўзлар ҳам бор: *бухгалтер, солдат, танк, штаб* (немисча), *пальто, трико* (французча), спорт (3-), *клуб, футбол* (инглизча), *томат, лимон* (испанча), август, республика, сентябр, армия (3-), университет (118-) – лотинча, герб (3-) – полякча.

Луғат таркибидаги сўзларни кузатиш уларнинг баъзилари бирор нарса, ҳодисаларни атабгина қолмай, айна пайтда сўзловчининг билдираётган тушунчага ўз баҳосини, муносабатини ифодалашини ҳам кўрсатади. Бу муносабат доирасига ғазаб, эркалаш, қойил қолиш, нафратланиш, жирканиш,

киноя каби хилма-хил эмоционал муносабат кўринишлари киради. Хусусан, *азамат, ўктам, қойилмақом, олчоқ, разил, сатанг, санқи* каби сўзлар, маълум тушунча англатишдан ташкари, сўзловчининг шу тушунчага лоқайд карамаслигини, аксинча, ижобий ёки салбий эмоционал муносабатда эканлигини ҳам кўрсатиб туради. Бу баҳо элементи тингловчи томонидан ҳам одатда сўзловчи назарда тутгандагидек идрок этилади.

Учинчи синф ўқиш дарслиги матнлари устида ишлашда ҳам ўқувчиларни услубий бўёқдор сўзлар билан таништириш уларнинг луғат бойлигини оширишга кўмак беради. Шу сабабли бу синфда ўрганиладиган эпик асарлардаги бўёқдор сўзлар билан ишлаш йўлларига қисқача тўхталсак.

Дарсликдаги¹² насрий асарларда ижобий ва салбий бўёққа эга бўлган кўйидаги сўзлар келтирилган: “Тил қудрати” ривоятида фаришта, ажнабий, фидо қилмоқ, донишманд, хузурига, низо, маъқул; “Ботир мерган ва чақимчи” эртагида ўтюррак, мерган, чақимчи, олампаҳо, тақсири олам, тақсир, эркалик; “Аҳиллик – улуғ бахт” эртагида болажонларим, душман, иноқ, нақл; “Ҳалоллик” эртагида жўжабирдай, ўғри, жиноятчи, етим-есир, бева-бечора, мурод-у мақсад; “Донишманд йигит” эртагида гуноҳкор, ҳасадгўй, донишманд, ақл, заковат; “Рустамхон” достонидан олинган парчада суюкли, рафиқа, зиёда, кундош, ғашлик, жамоли, аждаҳо, бегижон, насиб, от ўйнатиб, ҳайбат, зўравон, Рустамбек, қайсар; “Чумоли ва типратикан” масалида баднафс, ўғрилиқ, ҳалоллик, шерюррак, жонсарак; М.Муродовнинг “Олма” ҳикоясида яшанглар, азаматлар, бўталокларим, Содикжон; “Бобур ва кабутар” ривоятида зийрак, қаср, жонивор, хушхабар, олий ҳазрат, топқирлик, боис; “Бебаҳо бойлик” матнида буважон, қимматли, олтин (зўр), оро кирмоқ, бебаҳо; Нурмат Мақсудийнинг “Илмли минг яшар” ҳикоясида Ёлқинжон, ҳайрат, товланмоқ, соҳибкор, уста; Ўткир Ҳошимовнинг “Ҳазончинак” ҳикоясида ловиллаб кўринмоқ, қичқирмоқ, қувониб кетмоқ; Абдусодик Ирисовнинг “Кўштерак” ҳикоясида антиқа, соз бўлмоқ, боқий, данғиллама, завқ; К.Версариннинг “Ваъда берди” ҳикоясида севинч,

12 Umarova M... O'qish kitobi. 3-sinf. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – B.13.

дадажон, азиз, жилмаймоқ; Эркин Маликовнинг “Тошкент” ҳикоясида қора чироқ; “Жалолиддин Мангуберди” матнида ғалаба қозонмоқ, душман, истак, содиқ, мардлик; Ойбекнинг “Меҳнаткаш қиз” ҳикоясида шинам, меҳнаткаш, истамоқ, зийрак; “Ўғлон” ҳадисдан парчада қароқчи, қароқчибоши, довиюрак, жасур, макон, оғалар, ҳазрат, пайғамбар, ажойиб; М.Муродовнинг “Китоб” ҳикоясида уламо, нон; “Бола Алишер” матнида мағрур, покиза, мўътабар, ҳурматли, эҳтиром, тақсирим, улуғвор; “Чўпон йигит Широқ” афсонасида қулингиз, шаҳаншоҳ, она тупроқ, Ойдиннинг “Олтмиш газ арқон” эртагида ёв, жавдирамоқ; Сафар Барноевнинг “Бобонур” ҳикоясида чақнамоқ, бибижон, неварагинам.

Ўқувчиларнинг қуйи синфданок бўёқдор сўзларни ҳис этишга ўргатиб бориш уларнинг тил сезгирликларини оширади, тилнинг беқиёс бойлигини англаб, ўз она тилларидан фахр ила фойдаланишга йўл очади.

Сўзлар ишлатилиш даражасига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Фаол сўзлар кундалик турмушда ҳамманинг нутқида тез-тез қўлланадиган сўзлардир: *нон, сув, бугун, ким, беш, яхши, сотди*.

2. Нофаол сўзлар турли сабабларга кўра кундалик турмушда ҳамманинг нутқида ҳам тез-тез қўлланавермайдиган сўзлардир.

Бу сўзларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Атамалар – илм-фан, техника, санъатга хос сўзлардир. Булар одатда бир маънони билдиради: *урғу, кесим, термометр (179-)*.

2. Шевага хос сўзлар – маълум ҳудуддагина ишлатилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларга тушунарли бўлган сўзлардир: хоразмча *момо (буви), гашир (сабзи), мойак (тухум), ўжак (бузоқ), тахя (дўппи), сеча (чумчук), така (ёстик), ҳовва (ҳа);* фарғонача *шатта (шу ерда), валиш (ишком) пақир (челак);* бухороча *каллапўш (дўппи), инак (сигир), нана (она);* тошкентча *ада (ота), дода (бобо);*

3. Касб-хунарга оид сўзлар – маълум касб-хунарга эгалари ишлатадиган сўзлардир. Дарсликнинг 72-73-бетдаги Ойбекнинг “Меҳнаткаш қиз”

ҳикоясида *ип, мумламоқ, махси, шон, локламоқ, чок* каби махсидўзлик хунарига оид, 179-бетда тиббиётга доир *термометр* сўзлар берилган.

4. Эскириб қолган сўзлар – кундалик ҳаётда ишлатилмайдиган бўлиб қолган сўзлардир. Эскирган сўзлар иккита гуруҳга ажратилади:

а) тарихий сўзлар – ҳозирда мавжуд бўлмаган нарса-ҳодисаларнинг истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган номларидир; бунда сўз ўзи ифодалаган тушунча билан биргаликда эскиради: *мирза, мирзабоши (183-), мингбоши, эликбоши, канизак, омоч, додҳоҳ, мумсик, халфа, мўнди...*

б) архаик сўзлар ҳозирда мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамаларидир; бунда сўз эскиради, лекин тушунча эскирмайди, у бошқа сўз билан ифодаланадиган бўлиб қолади. Бундай сўзлар истеъмолдан чиқиш арафасида турган, ҳозирги тилда синоними бўлган сўзлардир (қавс ичида ҳозирги тилдаги синонимлари берилган): *экспресс (тезюар), область (вилоят), врач (шифокор), хирург (жарроҳ), инженер (муҳандис), редактор (муҳаррир), редакция (тахририят), улус (халқ), битик (ёзув)*

5. Янги пайдо бўлган сўзлар – фан, техника ва санъатнинг ривожланиши билан тилда янги пайдо бўлган тушунчаларнинг номларини ифодаловчи сўзлардир: *хоккейчи, лимонзор, фермер, телеминора, компьютер, дискет, сайт, файл, чип, шоу, дебат*

2.3. Учинчи синф “Ўқиш китоби”да имлоси ва изоҳи қийин сўзларнинг ифодаланиши

Дарсликда ўқувчилар учун изоҳи қийин сўзлар икки хил тартибда келтирилган: дарсликнинг охирида луғат шаклда ва сўз ишлатилган бетда сноска кўринишида.

1. Луғатда¹³ жами 100 та сўз изоҳи келтирилган (-илова).

2. Сноска кўринишида қуйидаги сўзлар изоҳланган: Ориф Тўхташнинг “Ўзбекистон” шеъри учун: *тўтиё* – жуда азиз, муқаддас нарса; *заргор* – зар

13 Б.213-217.

ундирадиган, унумдор¹⁴, Хуршид Давроннинг “Ватан мўътабардир” матнида: меҳригиё – меҳрни тортувчи нарса¹⁵, “Тил қудрати” ривоятида: риёзиёт – математика; фалакиёт – астрономия¹⁶, Ойгул Суюндиқованинг “Ватан ифтихори” шеърида: жўш уради – тўлиб тошади; завқ – иштиёқ; тухфа – совға¹⁷, Ойдиннинг “Олтмиш газ арқон” эртагида: ўнгир – ўйилган чуқур жой; сопқон – ичига тош солиб отиладиган қадимги оддий қурол¹⁸, Йўлдош Сулаймоннинг “Куз” шеърида: эҳсон – ҳадя, инъом, совға¹⁹, Эркин Маликовнинг “Тошкент” матнида: раста – дўконлар қатори²⁰, Миркарим Осимнинг “Жалолиддин Мангуберди” ҳикоясида: Неса – ҳозирги Ашҳобод шаҳри²¹, Сафар Барноевнинг “Бош китоб” шеърида: комус – мукаммал, тўлик луғат²², Бўрибой Аҳмедовнинг “Элим деб, юртим деб яшаган инсон” матнида: захмдор – жароҳатли²³, Мирзо Каримнинг “Сайлда” ҳикоясида: **оталиғи** – тарбиячиси; зарб – куч, Бобур – йўлбарс²⁴, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган “Чин ўртоқ” матнида: **махдум** – мартабали киши²⁵ жами ўн тўққизта сўз изоҳи келтирилган. Маълумки, юқори синф адабиёт дарсликларида қийин сўзлар изоҳи шу тартибда олиб борилади, бу ҳолат ўқувчилар ва муаллим учун ҳам қулай, чунки сўзнинг маъноси шу ўриндаёқ изоҳланиб, китобнинг бошқа бетларини излашга вақт сарфланмайди ҳамда эслатма сифатида мавзу ўзлаштирилганда ҳам кўриниб туради.

Дарсликда икки сўз икки ўринда қуйидагича изоҳланган: Мирзо Каримнинг “Сайлда” ҳикояси(140-бет)да: **оталиғи** – тарбиячиси; китоб охиридаги луғатда: **Оталиқ** – моддий, маданий ёрдам кўрсатишни назарда тутиб, ташкилот ёки кишиларни бир-бирига боғлаш асосидаги ижтимоий

14 Дарслик. Б.8.

15 Б.13.

16 Б.13

17 Б.15-16

18 Б.35.

19 Б.55.

20 Б.68.

21 Б.70.

22 Б.91.

23 Б.132.

24 Б.140-141.

25 Б.183.

фаолият, ижтимоий бурч, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган “Чин ўртоқ” матни(183-бет)да: **махдум** – мартабали киши; китоб охиридаги луғатда: **Махдум** – уламо ва руҳонийлар унвони ва шу унвонга эга бўлган киши тарзида ифодаланган.

Дарсликда юқорида берилган ўзлаштирилиши қийин сўзларига қуйидагиларни киритиш бизнинг таклифимиз: ложувард (тиниқ кўк осмон)...

2.4. Учинчи синф “Ўқиш китоби” матнларининг грамматик хусусиятлари

Учинчи синф ўқиш дарслигининг “Она битта, Ватан ягона” бўлимидаги Дилфуза Камолжонованинг “Байрамингиз қутлуғ бўлсин”²⁶ номли илмий-оммабоп матни билан танишиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқдик, шу хусусида тажриба алмашсак.

Дарснинг мақсади: 1.Ўқувчиларга Ватанимиз – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами ҳақида маълумот бериш.

2.Мустақилликнинг мамлакатимиз тараққиётидаги аҳамиятини очиб бериш.

3.Ўқувчиларнинг Ўзбекистон тараққиёти ҳақидаги тасаввурларини бойитиш.

4. Ўқувчиларни алломаларимиз каби мард, жасур, ҳақсевар, элпарвар, ватан учун қайғурадиган инсонлар қилиб тарбиялаш.

Дарс тури. Янги билим берувчи, илмий-оммабоп асар ўрганиладиган дарс.

Дарс методи. Изоҳли ўқиш, суҳбат, ақлий ҳужум методи.

Дарснинг жиҳози. Алломаларимизнинг портрети, алломалар учун қурилган мақбара, хотира майдони, шаҳидлар қабристони тасвирланган расмлар.

Ташкилий қисм. Синф тўпланган материаллар асосида безатилади. Синфнинг марказига И. А. Каримовнинг расми қўйилади.

²⁶ Umarova M... O'qish kitobi. 3-sinf. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – B.3-4.

Синфнинг бир қисми Андижон, бир қисми Фарғона, бир қисми Марғилон, бир қисми Қўқонга ажратилади. Ҳар бирининг тепасига шу номлар ёзиб илиб қўйилади. Унинг остига шу шаҳарларда яшаб ижод этган алломаларимиз, давлат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, умуман машҳур тарихий шахсларнинг портретлари осилади, тагига номлари, қилган ишлари ёки гаплари ёзилади, улар учун қурилган мақбаралар тасвирланган расмлар қўйилади.

Дарснинг бориши. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси куйланади. Мадҳиядан сўнг ўқувчилар хор бўлиб, «Мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишга ваъда берамиз» деб сўз берадилар.

Ўқитувчи ўқувчилар диққатини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг портретига қаратади:

– Досканинг юқори қисмига кимнинг портрети қўйилган?

– И. А. Каримовнинг хизматлари ҳақида нималар биласиз?

– Портрет тагидаги гапни ўқинг. Бу гап кимларга қарата айтилган? “Соғлом, илмли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг келажагини барпо этади”. И.А.Каримов.

– Президентимиз кутгандек инсон бўлиш учун нима қилишимиз керак?

Президентимизнинг белгилаб берган истиқлол йўлидан оғишмай боришимиз керак.

Маънавий жасорат – энг буюк жасоратдир. “Маънавий жасорат” тушунчасини англамоғимиз шарт. Маънавий жасорат бутун башариятга хос хусусият бўлиб, уни барчамиз эгалламоғимиз керак. Маънавий жасоратга қодир инсон фазилатлари қандай бўлиши керак? Ҳақиқий қаҳрамонлик мезонлари боболаримиз томонидан белгилаб берилган. Фидойилик – буюк қалб ва метин ирода далили. Фидойилик – юксак фазилат саналади. Академик Яҳё Ғуломов, халқ шоири Зулфия, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафутдиновнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти юзасидан болаларга ҳикоя қилинади. Фидойи инсонлар – халқ фахри ва ғурури. Маънавий жасорат

ҳисси билан яшаш барчанинг бурчи. Мустақиллик – халқимизнинг энг буюк маънавий жасорати. Маънавият – узлуксиз жараён.

Маънавий юксалишнинг давомли йўли биз томонимиздан босиб ўтилади. Маънавий юксалиш сари доимий интилиш ватанпарвар Ўзбекистон гражданининг йўли. Халқ – улуғ ва шарафли йўлдаги карвондир.

Ўқувчиларни асарни ўқишга тайёрлаш. Синф бўйлаб саёҳат.

Ўқитувчи: – Бугун биз тарихий шаҳарларга саёҳат уюштирамиз. Сиз 4 гуруҳга ажралиб, тарихий шаҳарларга борасиз. Ҳар бир гуруҳ ўзи борган шаҳарда яшаган алломаларни, улар ҳақидаги фикрларни, тарихий обидаларни яхшилаб ўрганади. Сўнг у ҳақда гапириб беради.

Ўқувчилар «Андижон», «Фарғона», «Марғилон», «Қўқон» гуруҳларига ажратилган.

Саёҳат юзасидан суҳбат.

– “Андижон” гуруҳи, саёҳат давомида нималарни билиб олдингиз?

– “Фарғона” гуруҳи, саёҳат сизда қандай таассурот қолдирди?

– “Марғилон” гуруҳи, бу шаҳар ўзида қандай сирларни сақлаган экан?

– “Қўқон” гуруҳи, бу шаҳар алломалари, усталари, тарихий бинолар сизда қандай таассурот қолдирди?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини умумлаштиради ва «1991 йил 31 август тарих саҳифаларига қандай кун бўлиб кирди?» саволини беради.

Асар билан таништириш. Ўқитувчи асарни ифодали ўқиб беришдан олдин «Мен асарни ўқиб бераман. Сиз диққат билан тингланг, сўнг матн юзасидан саволлар бераман» деб ўқувчиларни огоҳлантиради.

Агарки, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

Ислон Каримов, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан.

Мустақиллик – бу авлод-аждодларимиз кўп йиллар оша кутган эркинлик, хурлик дегани. Мустақиллик – бу эркин фикрлаш, мустақил ҳаракат қилишдир...

Ўқитувчи матнни ифодали ўқиб бергач, ўқувчилардан қийин сўзларни сўрайди: авлод, аждод, мукаммал, рамз сўзларининг изоҳлаб, матнни қайта ҳикоялаб беради.

Ўқувчиларга аввал хор бўлиб, сўнгра ичда ўқитилади. Танлаб ўқиш ўтказилгач, қайта баён олиб борилади.

Илмий-оммабоп матнни ўқувчиларга сюжетли асар ёки шеърга ўхшаб қайта ҳикоялатиш осон эмас, шу туфайли матнни қайта ҳикоялашда қуйидагиларни унутмаслик керак: илмий-оммабоп матнни ижодий ҳикоялатиш, яъни матнга яқинлаштириб баён қилдириш афзал, матнга аввало режа тузиб олиш керак ва шу режа асосида ҳикоялашни олиб бориш лозим, ўқувчидан иложи бориша матндаги терминлардан фойдаланишга ёхуд уларнинг маънодошларини ишлатишга имкон бериш даркор.

“Байрамингиз қутлуғ бўлсин” матнини ўқитувчи учун лисоний таҳлилини қуйида келтирсак.

Матнни лексик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Матнда жами 126 та сўз қатнашган, айрим сўзлар 2-3 марта ишлатилганини ҳисобга олсак, бир мартагина ишлатилган сўзлар миқдори 100 та. Мустақиллик сўзи 5 марта, Ўзбекистон, мустақил, эга, ўз, бўл сўзлари 3 марта, рамзлари, Республикаси, бу, авлод, шу, ва сўзлари 2 мартадан ишлатилган.

Матндаги ўзлашма сўзларни аниқлаш:

1.Арабча сўзлар: мактаб, авлод, аждод, хур, фикр, тарих, асл, ҳол, фан, таълим, маданият, санъат, саҳифа, эълон, эътибор, ҳарф, халқ, мамлакат, ҳаракат, давлат, рамз, мадҳия, қонун, мукаммал.

2.Форсча сўзлар: фарзанд, ватан, иморат, касб, юрт.

3.Инглизча сўзлар: спорт.

4.Лотинча сўзлар: август, республика, сентябр, армия.

5.Полякча сўз: герб.

Матннинг морфологик хусусиятлари.

От туркумига мансуб сўзлар: сентябр, йил, август, авлод, аждод, армия, байрам, байроғи, ватанимиз, герби, давлат, дунё, ёшларга, имкониятлар, йиллар, калитдир, келажак, кўз, қонунчилигига, кун, маданият, мадҳияси, майдони, мамлакатимизда, мустақиллик, обрў, олтин, рамзлари, Ўзбекистон, Республикасининг, санъат, саҳифаларига, сифат, соҳасида, спорт, тарихини, таълим, ўрни, фан, ҳаракат, ҳарфлар, ҳол, ҳурлик, чегаралари, эшигини, эълон, эътиборига, юрт.

Сифат туркумига мансуб сўзлар: бой, асл, кенг, қутлуғ, кучли, мукаммал, мустақил, мустаҳкам, умумхалқ, эга, эркин.

Сон туркумига мансуб сўзлар: биринчи, ўттиз биринчи, бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи.

Олмош туркумига мансуб сўзлар: бу, бутун, сиз, у, ўз, шу.

Феъл туркумига мансуб сўзлар: авайлаш, асраш, белгиланди, берган, бериш, бошлаб, бўлди, бўлиш, бўлсин, деб, дегани, ёзилди, етказиб, келинмоқда, қилинди, қилишдир, кутган, нишонланиб, очиб, оша, тан олди, фикрлаш.

Равиш туркумига мансуб сўзлар: қорачиғидек, кўп, эрта.

Кўмакчи туркумига мансуб сўзлар: билан, туфайли, учун.

Боғловчи туркумига мансуб сўзлар: ва, чунки.

Модал сўз: керак.

Матннинг синтактик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин – грамматик асослар миқдорига кўра содда гап, йиғиқ содда гап, эга ва кесимдан тузилган, ифода мақсадига кўра буйруқ гап.

Мустақиллик – бу авлод-аждодларимиз кўп йиллар оша кутган эркинлик, ҳурлик дегани – содда гап, ёйиқ содда гап, кесим уюшган, дарак гап.

Мустақиллик – бу эркин фикрлаш, мустақил ҳаракат қилишдир – содда гап, ёйиқ содда гап, кесим уюшган, дарак гап, тире эга от билан, кесим бош келишиқдаги ҳаракат номи билан ифодалангани учун ишлатилган.

Бой тарихини кўз қорачиғидек асраш, авайлаш, келажак авлодларга асл ҳолда етказиб беришдир – содда гап, ёйиқ содда гап, эга уюшган, дарак гап, авайлаш сўзидан кейин вергул нотўғри ишлатилган.

Эртанинг эгалари – Сиз ёшларга фан, таълим, маданият, спорт ва санъат соҳасида имкониятлар эшигини очиб берган олтин калитдир – содда гап, ёйиқ содда гап, эгаси туширилган бир бош бўлакли гап, тўлдирувчи уюшган, дарак гап, тире ажратилган тўлдирувчини аниқлаш учун ишлатилган.

1991 йилнинг 31 августи Ватанимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Чунки шу куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди – қўшма гап, ҳол эргаш гапли қўшма гап, сабаб эргаш гап, дарак гап.

1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланди – содда гап, ёйиқ содда гап, дарак гап.

Шу кундан бошлаб 1 сентябрь умумхалқ байрами сифатида бутун мамлакатимизда кенг нишонланиб келинмоқда – содда гап, ёйиқ содда гап, дарак гап.

Юрт мустақил бўлиши учун ўзининг давлат рамзлари – байроғи, герби, мадҳияси, майдони, мустаҳкам чегаралари, армияси бўлиши керак – содда гап, ёйиқ содда гап, эга уюшган, дарак гап, тире гапнинг уюшиқ бўлақларини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилган.

Мустақил Ўзбекистон ўз давлат рамзлари, кучли армияси ва мукаммал қонунчилигига эга давлатдир – содда гап, ёйиқ содда гап, тўлдирувчи уюшган, дарак гап.

Мустақиллик туфайли Ватанимизни дунё тан олди, у ўз ўрни, обрў-эътиборига эга бўлди – қўшма гап, боғловчисиз боғланган қўшма гап, дарак гап.

Юқоридаги маълумот-тавсиялар албатта ўқитувчи учун бўлиб, ундан етарли хулоса чиқарган ўқитувчи ўқувчига содда тушунарли шаклда таҳлилни ўргатади, айтадилар-ку, қанча кўп билсанг, фикринг тиниқлашиб, хулосани лўнда ва ишончли чиқарасан, деб.

Иккинчи боб бўйича хулоса:

1. Учинчи синф дарслигининг луғат таркиби ўқувчилар ёшига мос тарзда ранг-баранг бўлиб, шу кун ўқитиш тизими талабларига жавоб беради.

2. Дарсликда ишлатилган кўп маъноли сўзлар учинчи синф ўқувчилари савиясига мос тарзда, ДТС талабларига хос ҳолда келтирилган, бундай сўзлар устида ишлаш баробарида ўқувчиларни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” билан ишлашни ўргатиш шу куннинг энг муҳим талаби деб эътироф этамиз.

3. Дарсликда ишлатилган лексемаларнинг шакл ва муносабатига кўра турларини таҳлил этиб, улар билан ўқувчиларни таништириш замонамизнинг талаби деб белгиладик, чунки ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширувчи бу воситалар доимо ўқитишда диққат-эътиборда бўлиб келган. Ўқувчиларни сўзнинг шакл ва маъно хусусиятларини ўргатишда назарий таништириш учун ўқитувчининг иш столида луғатлар бўлиши шарт.

4. Дарсликдаги тарихий сўзларни аниқлаб олиш ва уларни эскирганлик ҳамда янгилик хусусиятларига кўра гуруҳлаб ўқувчилар билан таништириш диахроник ишларни ривожлантириш воситаси бўлиб келган.

5. Дарсликдаги услубий бўёқдор ва бўёксиз қатлам сўзлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар юритилиб ва уларни ўқитиш тизимига киритиш ўқувчиларнинг нутқий хушёрликларини таъминлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирамыз.

6. Дарсликда ўзлашма лексемаларнинг берилиши, улар билан ўқувчиларни таништириш, нутқий бойликларини таъминлаш баробарида ўз қатлам сўзларига меҳрини ошириш назарда тутилган.

7. Дарсликда матнни таъсирчанлигини таъминловчи грамматик усулларнинг ифодаланиши, улар билан олиб бориладиган амалий ишлар ўқувчиларнинг тил бойликларини оширишга, адабий асарни чуқурроқ ҳис этишга ёрдам беради.

8. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда бошланғич таълимда юритиладиган луғат дафтарининг ўрни таълим тизимида энг муҳим воситалардан бири деган хулосага келдик.

III. БОБ. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги асарларни ўқитиш методикаси

3.1. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги асарларни ўқитишда ўқувчилар луғатини бойитиш методикаси

Маҳмуд Муродовнинг “Олма”, Ҳаким Назирнинг “Бебаҳо бойлик”, Нурмат Маҳсудийнинг “Илмли минг яшар”, Ўткир Ҳошимовнинг “Хазончинак”, Абдусодиқ Ирисовнинг “Қўштерак” ҳикоялари насрий турга хос бўлиб, болалар адабиётининг гўзал намуналаридан ҳисобланади.

Қуйида насрий турга мансуб асарлардан ҳикоя матни устида ишлаш методикасини кўриб ўтсак.

Насрий асарлар кўламдорлиги туфайли сюжети, композицион тузилиши, адабий қаҳрамонлар тизими бўйича қатъий режа асосида ўрганишни тақозо этади. Асар таҳлилида бадиий матн унинг поэтик хусусиятларини ўрганишдагина эмас, таҳлилнинг ифодали, адабий, шарҳли ёки ижодий ўқиш, кенг қамровли, сиёсий, муаммоли, тадқиқот, ноанъанавий усуллардан фойдаланганда ҳам асосий манба бўлиб ҳисобланади. Жумладан, асар сюжети, композицияси, бош қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш бўйича ўтказиладиган турли типдаги таҳлиллар матн устида ишлаш асосида олиб борилса, ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги ошади, мустақил фикрлаш доираси кенгаяди.

Ҳикоя – эпик тур жанрларидан бири. Кичик ҳажмли бу бадиий асар тури киши ҳаётидаги маълум бир воқеани тасвирлайди ва шу воқеага қадар бўлган ёки ундан кейин бўй берган воқеаларни батафсил баён этмайди²⁷.

Демак, ҳикоя кичик ҳажмли бадиий асар бўлиб, унда киши ҳаётидаги маълум бир воқеа, ҳаётнинг муҳим томонлари умумлаштириб тасвирланади.

«Ҳикоя кўпинча киши ҳаётида бўлган бир эпизодни тасвир этади. Унинг мазмуни эртақдагидан ортиқроқ ҳаётийдир»²⁸.

²⁷ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.274.

²⁸ Султон И. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 45.

Ҳикоя мазмунан бошланғич синф ўқувчилари учун мос жанр ҳисобланади. Кичик ёшдаги ўқувчиларни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ташқи кўриниши, портрет тасвири, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ҳикоялар кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун болаларни ҳикоя билан таништириш унинг сюжети тушунтиришга боғлаб олиб борилади.

Бошланғич синфларда ҳикояни ўқишга бағишланган изоҳли ўқиш дарсларида ўқилган ҳикоя мазмунини очиш, луғат устида ишлаш, ўқилган матнни қайта ҳикоялаш кабилар асосий иш турларидан ҳисобланади. Ҳикоя мазмуни одатда саволлар асосида таҳлил қилинади. Сўроқлардан икки мақсадда: ҳикоя мазмунини таҳлил қилиш ҳамда далиллар, мулоҳазалар, хулосаларни таққослаш, воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракат ўртасидаги боғланишларни аниқлаш ва умумлаштириш учун фойдаланилади.

Ҳикояни ўқиш дарсида ўқувчилар тушунмайдиган сўз ва иборалар маъносини тушунтириш ҳам муҳим, акс ҳолда улар ҳикоя мазмунини тушуна олмайдилар.

Ҳикояни ўқишда унинг мазмунини таҳлил қилиш ва шу асосда ўқувчилар нутқини ўстириш марказий ўрин эгаллайди. Ҳикоя ўқиб бўлингач, ўқувчилар ўйлаши, ўз мулоҳазаларини айтиши учун тайёрланишга вақт бериш керак. Ўқилган асар юзасидан бериладиган дастлабки саволлардан мақсад ҳикоя болаларга ёққан-ёқмаганлиги, ундаги қайси қаҳрамоннинг характери болага таъсир этганини билишдан иборат. Шундан кейингина ҳикоя сюжети, воқеанинг йўналишини очишга, персонажлар характерини тушунишга, ниҳоят, асарнинг асосий ғоясини билиб олишга ёрдам берадиган саволлардан фойдаланилади.

Бадиий асарни таҳлил қилишда сюжетни тўлиқ тушунтиришга берилиб кетиб, қаҳрамонларга тавсиф бериш, асар қурилиши ва тилини таҳлил қилиш каби иш турлари эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Ҳикоя бирор бир давр билан боғлиқ бўлади. Ўқувчилар қаҳрамонларнинг маънавиятига бўлган қизиқишлари туфайли ҳаётнинг нурли ва қоронғи томонлари хусусида муайян тушунчага эга бўла

бошлайдилар. Уларда гўзаллик ва нафосатга муҳаббат, ёвузликка нисбатан нафрат туйғуси ҳикоялар билан танишиш ва уни таҳлил қилиш давомида шаклланиб боради. Масалан, 3-синфда «Жалолиддин Мангуберди» ҳикоясида Чингизхон ва унинг қўшинларига нисбатан нафрат уйғотилса, Жалолиддин Мангубердининг хатти-ҳаракати мисолида она-Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотилади, унинг тақдири орқали ўз аجدодларидан фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

Ҳикоя таҳлили адабий тур сифатида ўзига хос хусусиятлари ва вазифасидан келиб чиқиб иш кўришни тақозо этади. Ундаги ҳар бир сўз, ибора, гап ёзувчининг фикрини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳикоя матни унинг мазмунини ёки бадиий хусусиятларини ўрганишдагина эмас, таҳлилнинг ифодали, адабий, шартли ёки ижодий ўқиш, муаммоли усуллардан фойдаланиш учун ҳам манба бўлиши лозим.

Бошланғич синфларда ҳикоя сюжети, композитсияси, қаҳрамонларини ўрганиш бўйича турли таҳлиллар матн устида ишлаш асосида олиб борилади. Бунда ўқувчининг ижодий фаоллиги ортади, ижодий фикрлаш доираси кенгаяди.

«Жалолиддин Мангуберди» ҳикояси қаҳрамонларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва таҳлил қилишни матнга таянган ҳолда қуйидаги режа асосида амалга ошириш мумкин:

1. Чингизхоннинг ҳийла ишлатган ўрнини матндан топиш. Унинг ўқувчиларда қандай таассурот қолдирганлигини аниқлаш.
2. Жалолиддин Мангубердининг Эрон ва Афғонистонда мўғулларга қарши курашиб, эришган ғалабаси тасвирланган ўринни топиб ўқиш.
3. Лашкарбошиларнинг ўлжа тақсимлаши оқибатида нима юз берганини аниқлаш. Бу ўринни матндан топиш.
4. Жалолиддин Мангубердининг жасорати яна қайси ўринда кўринганини аниқлаш.
5. Чингизхон Жалолиддин Мангубердига нима учун тан берганини айтиш.

Шундан сўнг ўқувчилар Жалолиддин Мангуберди ҳақида онгли фикр юритадилар. Чингизхон билан Жалолиддин Мангубердининг хатти-харакатларини таққослаб, фарқлайдилар.

Ҳикоя мазмунини ўзлаштириш бўйича матн асосида қуйидагича ишлар амалга оширилади:

1. Матн мазмуни юзасидан ўқитувчи саволларига жавоб бериш.
2. Ҳикоя матни асосидаги савол-топшириқларни бажариш.
3. Ҳикоя мазмуни юзасидан ўқувчиларнинг саволлар тузиши.
4. Ҳикоя мазмунига мос расмлар чизиш.
5. Ҳикоя матнини қисмларга бўлиш.
6. Ҳар бир қисмга сарлавҳа топиш.
7. Ҳикояга режа тузиш.
8. Режа асосида қайта ҳикоялаш (тўлиқ, қисқартириб ва ижодий қайта ҳикоялаш).
9. Режа асосида баён ёзиш.

Таҳлилда ўқиладиган ҳикоя матнининг тушунарлилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тушунарлилиқ деганда ёзувчи яратган бадиий оламнинг ўзига хослиги, образли тасвирнинг ўқувчи ҳаётий тажрибаси, билим даражасига мувофиқлиги назарда тутилади.

Ҳикояни ўрганишда саволларни, одатда, ўқитувчи беради, аммо асар мазмуни, қатнашувчи шахсларнинг хулқ-атворини очиш юзасидан ўқувчиларга ҳам савол туздириш жуда фойдали. Бу усул болаларга жуда ёқди ва ишни жонлантиради, асар мазмунини яхши тушуниш, ўз фикрини изчил баён қилиш малакасини эгаллаш, мазмун ва воқеалар орасидаги боғланишни тўлиқ эсда сақлаб қолишда ўқувчиларга ёрдам беради.

Ҳикояни изоҳли ўқиш дарсини қуйидагича режа асосида олиб бориш мумкин:

1. Ҳикояни ўқишга тайёрлаш (ҳикоядаги каби одамлар ҳаёти ва даврга характеристика бериш ва бошқа.).

2. Ҳикояни ўқиш (бунда тўлиқ ва маъно жиҳатдан тугал қисмни ўқитувчи ёки олдиндан тайёрланган ўқувчи ифодали ўқиши мумкин).

3. Луғат устида ишлаш.

4. Идрок этишни текшириш (қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, шахслар ва воқеалар ўртасидаги муносабатлар, бадиий воситалар юзасидан қисқача суҳбат).

5. Ҳикояни қайта ўқиш (қисмларга бўлиб, ролларга бўлиб ўқувчиларга ўқитиш).

6. Ҳикоянинг ҳар бир бўлими (қисми) юзасидан суҳбат уюштириш, ҳикоя режасини тузиш.

7. Режа асосида қайта ҳикоялаш.

8. Ҳикоя асосида ижодий ва мустақил ишлар.

9. Ҳикояни ифодали ўқишга ёки сахналаштиришга тайёрланиш (синфда ёки уйда).

10. Ҳикояни ифодали ўқиш ва ифодали қайта ҳикоялаш²⁹.

3.2. “Ўқиш китоби”даги насрий асарларни ўқитишда луғат устида ишлаш йўллари

Маҳмуд Муродовнинг “Олма” ҳикояси³⁰ни ўқувчиларга таништириш йўллари билан ўртоқлашсак.

Куз. Якшанба куни эди. Учинчи синф ўқувчилари олмазорга боришди. Олмазор ёнидаги тоқзорда Қудрат ота тоқларни чилпиб юрган экан. “Келинлар” – деб болаларни хурсанд кутиб олди. Болалар одоб билан отага салом беришди.

– Яшанлар, азаматлар, яшанлар. Олмаларга қаранлар, таги билан битта бўлиб тўкилиб ётибди...

...Болалар биргалашиб Камолни кўриб чиқишди. Камолнинг бувиси ҳам, онаси ҳам болаларнинг бир-бирига ғамхўрлигидан хурсанд бўлишди.

²⁹ Qosimova K., Matchonov S., G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Noshir, 2009. – B.115.

³⁰ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston, 2012. – B.52-54.

Камол эса ўзини тузалиб қолгандай ҳис қилди.

Матн ўқувчиларга таништирилгач қуйидаги ишлар олиб борилади:

Савол: “Ҳикоядан нималарни билиб олдингиз?”

Топшириқ: 1. “Ҳикоянинг иккинчи қисмини овоз чиқармай ўқинг ва сўзлаб беринг”.

2. Ҳикоя қисмларига мос сарлавҳа топинг:

1) Ўқувчилар ҳашарга боришди.

2) Болалар бир-бирларига дўст.

3. Ҳикоя мазмунига мос режа тузинг.

Режа:

1. Ўқувчилар боғга мева теришга чиқишди.

2. Қудрат ота болаларга иш кўрсатди.

3. Камол ҳашарга келмади.

4. Болалар топшириқни уддалашди.

5. Камол дўстларидан хурсанд бўлди.

Уйга вазифа. Матндаги расмдан фойдаланиб иншо ёзинг.

Абдусодиқ Ирисовнинг “Қўштерак” ҳикояси³¹ ҳам бўлимдаги энг гўзал ҳикоя намунаси саналади, унда табиатни севиш, дарахт ўтқазиб боғ яратишнинг фойдали амаллари тасвирланади.

Боқи Ғазалкентда туради. Ғазалкент билан Тошкент орасида чиройли баланд бир тепалик бор. Тепаликнинг ҳавоси тоза ва ғир-ғир шабада эсар эди. Чунки унинг этагида сув оқарди.

Бир куни йўловчи бир чол:

– Шу ерга бир туп дарахт экилганида жуда антиқа жой бўлар экан-да! – деб қолди. Бошқа одамлар ҳам унга қўшилиб: “Ҳа, соз бўларди”, - дейишди.

Куз келди. Боқи ўша чолнинг гапини эслаб қолди. Икки туп терак ниҳолини олиб, тепаликка бориб, ўтқазиб келди. Лекин буни ҳеч ким кўрмади. Тераклар тезда қад кўтарди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, бу тепалик

³¹ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston, 2012. – B.66-67.

“Қўштерак” деб юритиладиган бўлди.

... Боқи бўлса теракларига завқ билан боқар, тераклар билан боши ҳам кўкка етаётгандек туюларди. Киши билмас яхши иш қилишнинг ҳам завқи бор. Буни Боқига ўхшаганлар билади.

1. “Қўштерак” номи қандай юзага келди?
2. Нима учун Боқи теракларни ўзи экканлигини айтмади?
3. Сиз Боқига қандай баҳо берасиз?

Топшириқ. 1. Матндан ўзингизга ёққан қисмини сўзланг.

2. “Қўштерак”нинг обод бўлиши ҳақида гапириб беринг.

Ҳикоянинг ҳар бир қисмига сарлавҳа қўйинг:

- 1) Тепалик.
- 2) Қўштерак.

Матнни ҳикоялаш учун ушбу режани тавсия этамиз.

Режа:

1. Тепаликда ҳеч нарса ўсмас эди.
2. Мўйсафиднинг таклифи.
3. Боқи тепаликка терак экиди.
4. Тераклар барқ уриб ўсди.
5. Ҳамма боғбонга раҳмат айтмоқда.
6. Теракни ким эккан?

Ўқувчилар катта ҳажмли ҳикояни режа асосида ҳеч қиналмай, узвийликни бузмай қайта баён эдилар. Болаларнинг сезгирлигини ошириш учун ёйиқ режани йиғиқ режага айлантириш ҳам яхши самара беради.

Режа:

1. Тепалик.
2. Мўйсафид.
3. Терак экилди.
4. Терак яшнади.
5. Ташаккур.
6. Яхшидан боғ.

3.3. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги насрий асарларни ўқитишда ўқувчилар нутқини бойитиш усуллари

Захриддин Муҳаммад Бобур ҳаётига оид “Асотирлар ва ривоятлар”дан олинган “Бобур ва кабутар” матни³² берилган. Ривоятнинг мазмуни қуйидагича: Мирзо Бобур ёшлигидан зийрак бола бўлиб ўсибди. Бир куни унинг отаси Умаршайх сарой аъёнлари билан қасрда ўлтирган экан. Бир кабутар учиб келиб айвон пештоқига қўнибди-да: “Ғулу-ғулу-ғу-ғу” қилаверибди. Умаршайх аъёнларидан: “Кабутар не дейдур?” – деб сўраб қолибди. Аъёнлар анчадан бери уруш кўрмай, қиличлари қонсираб қолган экан. Улар: “Олий ҳазрат, кабутар қиличларни қиндан суғурмоқ керак”, – дейдур деб жавоб беришибди.

... Ёш Мирзонинг ҳушёрлиги, топқирлигига қойил қолган Умаршайх аъёнларга қараб: “Қилични эмас, ақл-идрокни ишга солмоқ лозимдир,” – дебди.

Матн ўқитувчининг ифодали ҳикояси ва уч абзацни ифодали ўқиши билан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Матн ўқиб чиқилгач, матндаги қийин сўзлар изоҳи берилади. Қийин сўзларни ўқитувчи ўқувчилардан сўрагини маъқул. Ўқувчилар билганларича ўз жавобларини берсалар, ўқитувчи албатта, тўлдириши лозим. Матндаги сарой аъёнлари, айвон пештоқи, камина сўзлари изоҳланади.

Шундан сўнг қуйидагича савол ва жавоб ўтказилади:

1. Умаршайх аъёнлардан нимани сўради?
2. Аъёнлар нима деб жавоб беришди?
3. Бобурнинг зийраклигини нимада кўрасиз? Матндан шу ўринни топинг.
4. “... қиличлар қонсираб қолган” иборасини қандай тушунасиз?

Савол ва жавоб ўтказилгач, асар тилида учраган эски туркий тил намуналарини келтириб, ўқувчиларга шарҳлатилади: ўлтирган экан, не дейдур, чақирибдур, келтирибдур, боис недур.

³² Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston, 2012. – B.60-61.

Ривоят матни шундан сўнг танлаб ўқитилади. Чунки синфдаги барча ўқувчилар матнни ҳали ифодали ўқишга тайёр эмас. Уч-тўрт ўқувчига асар танлаб ўқитилгач, матнга сарлавҳа топтирилади. Ўқувчилар ўзларининг “Зийрак бола”, “Доно жавоб”, “Ақл – инсон беағи” каби сарлавҳаларини таклиф этадилар. Энг маъқул сарлавҳани албатта, ўқитувчи танлагани мақсадга мувофиқдир.

Сарлавҳа топилгач, болаларга мусобақа асосида ифодали ўқишни ташкиллаш керак. Болалар бу иш турини жуда хурсандлик билан кутиб оладилар, негаки бу ёшдаги болаларда очик майдонда жанг – мусобақа олиб бориш жуда ёқади-да.

Шундан сўнг болалар билимини тартибга солиш мақсадида режа туздириб кўриш керак.

Режа:

1. Кабутарнинг хушхабар олиб келиши.
2. Кабутар ташрифига аъёнларнинг муносабати.
3. Бобурнинг доно фикри.
4. Ҳамма лол-у хайрон.

Ўқувчилар юқордаги режа асосида асарни қайта баён қиладилар. Қайта баёнда ўқувчилар ҳикояни тартиб билан олиб борадилар.

Юқоридаги ёйиқ режани атов гап шарлидаги йиғиқ режага айлантириб бориш ўқувчиларнинг ҳикоялашларида янги режа тури билан ишлашга ўргатади.

Режа:

1. Хушхабар.
2. Аъёнлар фикри.
3. Зийраклик.
4. Хайронлик.

Бошланғич таълимда бундай йиғиқ режа доимо ёйиқ режа асосида туздирилади. Ўқувчилар юқори синфларга ўтганлари сайин режанинг йиғиқ турини кўпроқ ишлатишга киришадилар.

Дарсликнинг 51-52- бетларида “Олтин куз” номли илмий-оммабоп матни берилган.

Куз... Она диёримизга олтин куз сепини ёйган. Кечалари салқин. Эрталаб шудринг туша бошлайди. Тоғлардаги қояларда қиров. Пахта далаларининг кўриниши ўзгача. Лўпи-лўппи очилган пахталар қуёш нурида тобланади. Бу манзара куз келганидан дарак беради.

Кузнинг биринчи ойида нок, олма, шафтоли, узум, анжир ва анорлар фарқ пишади. Сабзавотлар, ковун-тарвуз сероб бўлади. Йиғим-терим ишлари бошланади.

Туёқли жониворларнинг ҳаётида ҳам ўзгариш бўлади. Улар кўк ўтлар билан бирга дон озукаси, ёввойи уруғлар, меваларни истеъмол қиладилар. Бу уларнинг қишга кўп куч тўплаб олишига ёрдам беради.

Куз келиб, ҳаво совий бошлаганда, туналар, чуғурчуклар, қалдирғочлар, узунқанотлар, кўкқарғалар юртимиздан иссиқ томонларга учиб кетади.

1. Мақолани ўқишга тайёргарлик ишлари.

Ўқитувчи мавзуни эълон қилиб, сана ва мавзуни ўқувчилар дафтарига ёздиради. Ўқувчиларга куз табиатининг гўзаллиги қисқа ҳикояланади. Об-ҳаво, табиатдаги, қушлар ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар баён этилади. Ўқувчилар куздаги ўзгаришларни баҳор ва ёздаги табиат ўзгаришларига таққослайдилар. Ўзларининг маҳалла ва қишлоғидаги ўзгаришларни шахсий қарашлари асосида ҳикочлайдилар.

2. Луғат иши.

Матндаги “куз сепи”, “дон озукаси” сўзлари матнни ўқишдан аввал изоҳланса, матн ўқилгач ўқувчилардан маъносини тушунишга қийналган сўзлари сўраб изоҳланади.

3. Мақолани дастлабки ўқиш.

“Олтин куз” матнининг биринчи абзаци ўқитувчи томонидан, 2-4-қисмлари ўқувчилар томонидан танлаб ўқитилади.

4. Мақола мазмуни юзасидан суҳбат.

Матннинг мазмунини ўқитувчи дастлаб матнга яқинлаштириб ҳикоя этади, сўнгра қуйидагича савол ва жавоб уюштирилади:

1. Матнда кузнинг биринчи оyi ҳақида нима дейилган?
2. Кузда туёқли жониворлар ҳаётида қандай ўзгариш бўлади?
3. Қайси қушлар иссиқ томонларга учиб кетади?
4. Матндан куз манзарасига оид парчани топинг ва ўқинг.

“Халқ оғзаки ижоди” бўлиmidан матн мазмунига мос топишмоқ танланг ва айтинг.

Матн мазмунига мос далилларни қуйидагича келтириш анча мақсадли саналади.

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади. Борди-ю, турналар кузда баланд учса, куз узоқ давом этади.

5. Мақола режасини тузиш.

Режа:

1. Ўлкамизга олтин куз кириб келди.
2. Мева ва сабзавотлар фарқ пишди.
3. Ҳайвонлар қишга тайёргарлик кўришмоқда.
4. Иссиқсевар қушлар ўлкамиздан учиб кетди.

Илмий-оммабоп матнларни ўқувчилар томонидан қайта ҳикоялашлари учун энг мақбул восита режа асосида ҳикоялашдир. Бундай матнларни ўқувчилардан тўлиқ ҳикоялаш талаб этилмагани учун режа асосида ҳикоялаш ишнинг тартибли, кетма-кет боришини таъминлайди.

Дарсликда Малик Муродовнинг “Меҳржон сайли” матни³³ ҳам илмий-оммабоп мақола саналади.

Меҳржон билан Наврўз ўзбекларнинг энг гўзал, энг тароватли байрам сайлларида ҳисобланади. Чунки улар халқчил, ҳаётий анъаналардир.

Наврўз баҳор кириши, қишнинг аёзли кунларидан узил-кесил қутулиб, янги кун, янгича ҳаётнинг бошланишини нишонлаш байрамидир.

³³ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – B.56.

Меҳржон эса ҳосил кўтариб, қишга тайёргарлик кўришдир, тўкин-сочинликка шукроналик, ҳаётга муҳаббат рамзидир.

Халқ кузги байрам сайлининг номини “Меҳржон” деб билиб қўйган. У деҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг лаззатини тотиб кўраётган пайтда – 25-сентябрга ўтар кечаси нишонланади.

Абу Райҳон Беруний сўзи билан айтганда, Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир.

1. Ўзбекларнинг қандай анъаналарини биласиз?

2. Меҳржон сайли қайси пайтда нишонланади?

Топшириқ. Наврўз билан Меҳржон сайлининг фарқини айтинг.

Матнни қайта ҳикоялашга қуйидаги режани тавсия этамиз.

Режа:

1. Наврўз – баҳор байрами.

2. Меҳржон шукроналик белгиси.

3. Беруний Меҳржон ҳақида.

Матн таҳлилидан сўнг қуйидаги мақол ва топишмоқлар асосида ўқувчиларнинг билимини кенгайтириш ҳамда нутқини ўстириш мумкин.

Мақол. Меҳнатинг – зеб-у зийнатинг.

Меҳнат қилган хор бўлмас.

Топишмоқ. Беқасамдан тўни бор,

Ичи қизил лолазор. (Тарвуз).

Узоқдан қарасам, ялтир-юлтир,

Ёнига борсам, қулф-у занжир. (Анор).

Дум-думалоқ чўтир тош,

Ичи тўла мойли ош. (Ёнғоқ)

3.4. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги шеърӣ асарларни ўқитишда шеър тузилиши юзасидан маълумот бериш услубиёти

Маълумки, 1937–1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини

Ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя³⁴.

Учинчи синф ўқиш дарслигида Муҳаммад Юсуфнинг ўзбекнинг қатағон туфайли орттирган калб ярасини ифодаловчи “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор” номли шеъри “9 май – Хотира ва кадрлаш” бўлимида берилган³⁵. Шеър ҳар бир ўзбекнинг юрак садоси бўлиб янграганлиги боис ўқувчиларга маънавий таъсири жуда катта. Шеър жуда узок бўлмаган тарихимизнинг энг жирканч, энг қора кунларидан доғ бўлиб, ўзбекнинг Қодирийларини ҳалок этиб, ўзлигини унутишга йўғрилган кунларнинг маҳзун ёдгорлигидир.

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,

Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.

Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,

Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,

Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.

Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,

Жайрондек термилган Чўлпонларинг бор.

Кўлинг қадоғига босай юзимни,

Онасан-ку, оғир олма сўзимни.

Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини,

Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,

Сенинг фарёдларинг – менинг фиғоним,

Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,

Айтсам адо бўлмас армонларинг бор.

...шеър тўқимасида кўплаб ғоявий-бадий унсурлар бўлади. Мавзу, ғоя, нақорат, банд, ритм, вазн, қофия, интонация, пауза, урғу, поэтик фигуралар,

³⁴ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.97-98.

³⁵ Умарова М. Ўқиш китоби. 3-синф. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.202.

фонетик унсурлар, бадий санъатлар, образ, сюжет, композиция, конфликт, бадий тил унсурлари ва бошқаларнинг муайян бир тизимга уюшуvidан шеър пайдо бўлади³⁶.

Шеърнинг лингвистик таҳлиliga юқоридаги унсурлар асосида киришсак. Шеърнинг мавзуси катагонга учраган халкнинг ярадор калб ноласи, истиқлол туфайли қаддини тиклаган қаҳрамоннинг ўтмишини унутмай, нурли келажакка олға қадам ташлаб мардона бориши асар ғоясини белгилайди. Бор сўзи такрор сифатида 8 марта қофиядан сўнг такрорланган, шеърнинг 3-мисраси 15-мисрада *оғрийди* сўзи ўрнида *ўртанар* сўзни, 1-мисра эса 16-мисрада *юртим* сўзини *айтсам* сўзи билан алмаштириб мисра такрор бўлиб келган.

Шеър бармоқ вазнида битилган, 4 банддан тузилган, банд – шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган йирик ритмик бўлагидир³⁷, ҳар банд 4 мисрадан иборат, умумий 16 мисрани ташкил қилган. Мисра – шеърнинг ҳар бир сатри, йўли³⁸.

Ритм – шеър мисралардаги бир-бирига тенг нутқ бўлакларининг бир текисда изчил такрорланиб келишидан пайдо бўладиган оҳангдошлик³⁹ бўлиб, шеърнинг 11 ҳижоли, 2 туроқли, сўз ва мисра такрорийлиги оҳангдошликни таъмин этган.

Бўгин – бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёхуд товушлар бирикмаси, сўзнинг мустақил талаффуз қилиниши мумкин бўлган бўлаги⁴⁰ шеър илмида ҳижо атамаси билан ишлатилади. Шеърнинг ҳар бир мисраси 11 ҳижодан тузилган: Юр-тим, а-до бўл-мас ар-мон-лар-инг бор.

Бармоқ тизимида бўгинларнинг муайян гуруҳларга ажратилиши оқибатида пайдо бўладиган ритмик бўлак туроқ деб юритилади⁴¹, шеър икки туроқли (6+5): Тош-лар-ни йиғ-лат-ган/ дос-тон-лар-инг бор.

³⁶ Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.16.

³⁷ Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.44.

³⁸ Ҳомидий Ҳ. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент: ўқитувчи, 1967. – Б.115.

³⁹ Бобоев Т. – Б.21.

⁴⁰ Бобоев Т. – Б.23.

⁴¹ Бобоев Т. – Б.23

Шеърнинг 1-, 2-банди а-а-б-а, 3-банди д-д-д-а, 4-банди е-е-е-а шаклида қофия(мисранинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар⁴²)ланган: армонларинг – дostonларинг – ўғлонларинг – осмонларинг – дostonларинг – Чўлпонларинг – Усмонларинг – армонларинг, юзимни – сўзимни – кўзини, онажоним – фиғоним – жоним. Армонларинг – дostonларинг... сўзларининг қофиясини ўзак охиридаги “н”, юзимни – сўзимни – кўзини сўзларида “з”, онажоним – фиғоним – жоним сўзларида “н” – равий (қофиядош сўзларни боғловчи унсур)дир.

Шеърый асарда равийдан сўнг оҳангдошликни оширувчи васл, хуруж, мазид, нойира каби элементлар келади, бу унсур турлари қанчалик кўп қатнашса, шеърнинг мусиқийлиги ошади. Армонларинг – дostonларинг қофиясида “н” – равий, “л” – васл, “р” – хуруж, “нг” – мазид, нойира мавжуд эмас. Юзимни – сўзимни – кўзини қофияларида “з” равий, “м” васл, “н” хуруж, кўзини сўзида “м” товуши йўқлиги сабабли васл мавжуд эмас, лекин “н” хуруж саналаверади. Онажоним – фиғоним қофиясида “н” равий (онажоним сўзида равий тўғри белгиланмаган, онажон эмас, она асос бўлади, шу туфайли бу қофияланиш оч қофия саналади), “м” васл бўлиб, хуруж, мазид, нойира мавжуд эмас.

Шеърда қуйидаги бадий санъатларни аниқладик.

Шеърда собиқ шўролар даври қатағони ва унинг қурбонлари Чўлпон, Усмон Носирларнинг эсланиши талмиҳ санъати бўлиб, шеър ёки насрда машҳур тарихий воқеалар, шахслар, афсоналар, бадий асарлар ёки мақолларга ишора қилмоғи⁴³ тушунилади. Чўлпон, Усмон Носирни эслаш баробарида 20-аср бошларида ижтимоий ҳаётимизга кириб келган миллатимиз гуллари, жаид маърифатпарварларнинг буюк ишлари ва уларнинг аянчли тақдири ёдимизга келади. Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ

⁴² Ҳомидий Ҳ. – Б.267.

⁴³ Ҳожирахмедов А. Мумтоз бадият малоҳати. Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.41.

чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Ана шу инсоний бурчимизни адо этиш мақсадида 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида Шаҳидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди⁴⁴.

Метонимия деб воқеа-ҳодиса, нарса-буюмлар ўртасидаги ўзаро яқинлик ва боғлиқлик асосида маъно кўчишига айтилади. Метонимия ҳам қиёсга асосланади. Фақат «метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг белгилари қиёсланса, метонимияда бу икки предмет ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо умуман бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари чоғиштирилади». Шеърда тошларни йиғлатган метонимияси қўлланган, бу бағритош кишилар ҳам йиғлаганини билдиради.

Нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчишига метафора дейилади, шеърда кўнгилдек кенг, жайрондек термилган каби метафоралар ишлатилган.

Ташхис шахслаштириш, жонсиз нарсаларни инсонлардай қилиб тасвирлаш бўлиб, шоир юлдузни йиғлатган жонлантиришини ишлатган.

Маълумки, нарса-предметларни чиройли белгиларини тасвирлаш сифатлаш санъати саналади, шеърда қаро кўзини сифатлаши келтирилган, бу сўз бадиий услубга мансуб, адабий меъёردа қора шаклида қўлланади.

Шеърнинг қисқа таҳлилида ўз қарашларимизни лисоний таҳлил асосида олиб бордик, бу қарашларимиз шоир қарашлари олдида анча ғализлигини сезамиз. М.Юсуф халқимизнинг топқир, ўз сўзига эга жайдари шоири эди. Мана,

⁴⁴ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.98-99.

хотира кунларида унинг катта шеърини таҳлил этиш баробарида, шоир биздан узоқлашмаганини, дардимиз ҳамоҳанглигини сезяпмиз. Иллоҳ, ўзбекнинг буюк шоирни Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин. Шоиримиз доимо қалб тўримизда!

3.5. Учинчи синф “Ўқиш китоби”даги шеърий асарларни ўқитишда дастлабки шеър санъатлари устида ишлаш методикаси

Толиб Йўлдошнинг “Куз келганда”, Йўлдош Сулаймоннинг “Куз”, Анвар Обиджоннинг “Сўнгги ахборот” шеърлари лирик турга мансуб бўлиб, болалар адабиётининг намуналари бор. Шеър-оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ. Шеърий нутқни оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солиш воситалари ритм (бир-бирига монанд кичик бўлақларнинг изчил ва бир меъёردа такрорланиб келиши) ва қофия (мисраларнинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар) ҳисобланади⁴⁵.

Лирик шеърни ўқиш мобайнида кичик ёшдаги ўқувчилар табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларининг поэтик тасвиридан ҳаяжонланишлари муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синфларда шеър тарзида ёзилган ҳикоялар, эртаклар, яъни шеърий асарлар ва лирик шеърлар ўқитилади.

Шеърий ҳикоя, шеърий эртакларда сюжет, яъни воқеалар тизими ва унинг ривожини характерлидир. Лирик шеър «бирор ҳаётини воқеа-ҳодиса таъсирида инсонда туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали турмушни акс эттиради». Лирик шеърнинг хусусияти «кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирлироқ ифодалашда қўл келади»⁴⁶.

Шеърни ўқиш дарсларида асосий иш тури ифодали ўқиш ҳисобланади. Ўқувчи шеърнинг асосий мазмунини тушунсагина, уни ифодали ўқий олади.

Лирик шеърни ўқиш ва таҳлил қилиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Ҳолбуки, кўп ҳолларда шеърга оддий матн нуқтаи назаридан ёндашилади. Бундай ҳолда шеърий санъат ҳиссиёт билан боғлиқ эканлиги

⁴⁵ Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.247.

⁴⁶ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.93.

унутилади, шеър маъносининг сатрлар, сўзлар заминиди яширин берилиши англаб етилмайди. Бунинг оқибатида ўқувчилар шеърдаги образлиликнинг маъзини чақа олмайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай асар заминиди яширин маънони уқиш меҳнатталаб ишдир. Бусиз ҳатто адабий таълимнинг мақсади ҳам амалга ошмайди.

2-синфда Толиб Йўлдошнинг “Куз келганда” шеъри⁴⁷ни ўрганишда албатта табиат манзараларини изоҳлаш талаб этилади. Шеърни ўқишдан олдин унда тасвирланган йил фасллари ҳақида суҳбат ўтказилади ёки шеър мазмунини тушуниш учун ўқувчилар билиши лозим бўлган воқеаларни ўқитувчи қисқа қилиб айтиб беради.

Маълумки, куз фасли олтин каби товланади, унинг ҳар куни сукутда, кунлар кескин эмас, бир маромда бўлади. Табиат ўзгаришлари аста-секинлик билан рўй беради. Кузнинг хосияти одамда ёқимли туйғулар уйғотади. Кузда болалар боғларда меваларни йиғиш, қишга замин тайёрлашда бевосита оналарига кўмаклашадилар. Болаларнинг кузги ўйинларини ўйнашади.

Шеърини ўрганиш жараёнида табиат бағрига саёҳат уюштириш аини муддао бўлади. Болалар ёзги табиат манзарасига куз манзарасини таққослайдилар. Ёз ва кузнинг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини фарқлаб оладилар ва дарс давомида фикрларини билдирадилар.

Бошланғич синфларда кўرғазмали таълимнинг асосий шакли шеърни ифодали ўқиш ҳисобланади. Лирик шеърни ҳам ўқувчилар ҳаяжон билан яхлит идрок этишларига эришиш муҳим. Шунинг учун шеър биринчи марта ўқилганда, ҳеч қандай тушунтириш берилмайди. Шеър ўқувчиларга қандай таъсир қилганини ҳисобга олиш, билиш зарур. Ўқитувчи шеърни шундай ифодали ўқиши керакки, болалар унинг асосий мазмунини англасинлар, уларга жонли сўз кучлироқ таъсир этсин. Сўнгра шеърни мустақил ўқиш топширилади. Ўқиш оддий бўлиши керак. Ўқиётганда табиий завқ-шавқ, шодлик, хурсандлик, қаҳр-ғазаб ҳиссини қичқириқ овоз билан сохта

⁴⁷ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – B.52.

ифодалашга йўл қўймаслик зарур. Болалар шеърни ўқиганда, шеърини сатрга риоя қилишлари, бу жараёнда уларнинг шеър ритмини бузмасликларига эришиш керак.

Ўқувчилар шеър матнини мустақил ўқиётганларида хаттахтага маъноси изоҳланадиган сўзлар ёзиб қўйилади. Масалан, «Куз келганда» шеъри ўрганилганда «ёз неъматини», «қўзимиз тўқ», «димоғлар чоғ», «хуш бўйига», «хумда шинни» сўзлари изоҳланади. Шундан сўнг, шеър ўқувчиларга навбат билан ўқиттирилади, унинг мазмуни юзасидан саволлар асосида суҳбат ўтказилади. Бунда қуйидагича саволлар берилиши мумкин: «Шеърда қайси фасл тасвирланган экан?», «Ёз неъматлари нималар?», «Шеърда қўзимиз тўқ деб нима ифода қилиняпти?». Ўқитувчи берилган жавобларни тўлдириб, ўқувчиларнинг куз фаслига доир тушунчаларини бойитади.

Шеър матни ҳам саволлар асосида таҳлил қилинади. Аммо, шеър мазмуни ҳақида ўқувчиларга кўп савол бериш тавсия этилмайди. Ўқувчилар шеърнинг асосий мазмунини тушунганликларига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифоя. Шунинг ҳам айтиш керакки, болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос фикрлари, ҳис-туйғулари, қизиқишларини ифодаловчи, шунингдек, замонамиз қаҳрамонлари, ўзбек халқи, Ватан ҳимояси, халқимизнинг қаҳрамонона ишлари ҳақидаги шеърлар мазмунини тўлиқроқ таҳлил қилиш талаб этилади. Бундай шеърларни ўқишга махсус тайёрланилади: шеър мазмунига асос бўлган тарихий воқеа ҳақида қисқача сўзлаб берилади ёки суҳбат ўтказилади.

Бошланғич синфларда ўрганиладиган кўпгина шеърларни таҳлил қилиб, ифодали ўқиш машқ қилинганда, ифодали ёд айтиб бериш вазифаси топширилади.

Шеърини нутқ енгил ёдлаб олинади, болада эстетик ҳис-туйғу уйғотади. Кичик ёшдаги ўқувчилар савиясига мос болаларбоп равшан тил билан ёзилган содда ритмли жарангдор шеърларни болалар тез ва осон ёдлаб оладилар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга шеърни қандай ёдлаш кераклиги ўргатилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчилар билан шеърни тенг сатрли бир неча қисмга бўлади, Ўқувчиларга ҳар бир сатр охирида пауза (тўхтам) қилиш, бунинг учун сатр охирида тиниш белгиси бўлиши шартмаслиги, ритмик тўхтамда овозни нуқтадаги каби пасайтирмаслик лозимлиги, бу тугалланмаган фикрни давом эттиришга имкон бериши тушунтирилади ва бўлинган қисмлар навбати билан ёдлатилади.

Шеърни изоҳли ўқиш дарсининг тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) шеър мазмунини яхлит идрок этиш учун уни ифодали ўқиб бериш (биринчи синтез);
- 2) шеърда тасвирланган пайт, ҳодиса ҳақида суҳбат (анализ);
- 3) шеърни ифодали ўқишни машқ қилиш (иккинчи синтез);
- 4) шеърни ёд айтиб беришга тайёрланиш;
- 5) шеърдаги нотаниш сўзлар устида ишлаш.

Толиб Йўлдошнинг “Куз келганда” шеъри(52-бет)ни изоҳли ўқиш дарсининг варианты схемаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) шеър мазмунини яхлит идрок этиш учун уни ифодали ўқиб бериш (биринчи синтез);
- 2) Шеърда тасвирланган баҳор белгилари ҳақида суҳбат (анализ);
- 3) шеърни ифодали ўқишни машқ қилиш (иккинчи синтез);
- 4) уйда шеърни ифодали ўқиш ва ёд айтиб беришга тайёрланиш;
- 5) кейинги дарсда шеърни ифодали ўқитиш, ифодали ёддан айттириш.

Куз келганда, уйимизда тўй бўлади,

Қўзичоғим ўсиб катта қўй бўлади.

Узумларни пай урамиз, қовун осиб,

Ҳамма ёқни ёз неъматини кетар босиб.

Қопда ёнғоқ, хумда шинни қиш бўйига,

Кўзимиз тўқ, димоғлар чоғ хуш бўйига.

Шеър юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Шеърни овоз чиқармай ўқинг.

2. “Ёз неъматини” деганда нималарни тушунасан? “*Ҳамма ёқни ёз неъматини кетар босиб*” мисрасининг мазмунини сўзлаб беринг.

3. Ўзингиз яшаётган шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят ва қишлоқ номларини айтинг.

4. Шеърни ёд олинг.

Юқоридаги саволларга жавоб олгач, шеър матни устида қуйидагича иш олиб боришни тавсия қиламиз.

1. Шеърдаги қофиядош сўзларни аниқланг.

Шеърдаги қофиядош сўзлар: тўй – қўй; осиб – босиб; қиш – хуш.

Бўлади-бўлади ва бўйига-бўйига сўзлари қофиядан кейин келувчи такрор саналади, у қофия эмас.

2. Шеърнинг қофияланиш тартиби қандай?

Шеърнинг қофияланиш тартиби: а-а-б-б-д-д.

Шу ўринда қофия ҳақидаги билимлар яна бир бор эсга олинса, ишнинг самараси яна ҳам ошади.

Қофия – мисраларнинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар. Қофия шеърини нутқни оҳангли ва таъсирли қилади⁴⁸.

3. Шеър ҳижосини аниқланг.

Ҳижо – бир нафас олиш билан айтиладиган сўздаги товуш ва товушлар бирикмаси – шеърини нутқ ўлчовидвида дастлабки ритмик бўлак⁴⁹.

Шеър ҳижоси:

Куз кел-ган-да, / у-йи-миз-да / тўй бў-ла-ди,

Қў-зи-чо-ғим / ў-сиб кат-та / қўй бў-ла-ди.

Шеър ўн икки ҳижоли, икки туруқдан тузилган (4+4+4).

Туруқ – бармоқ вазнидаги шеър мисраларидаги ритмик бўлақлар. Туруқ шеърнинг оҳангини тартибга солиш, яъни шеърнинг ритминини ва

⁴⁸ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.267.

⁴⁹ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.271.

муסיқийлигини вужудга келтиришда асосий воситалардандир. Шеърий мисраларда икки, уч ва ундан ортиқ турокнинг бўлиши мумкин⁵⁰.

4. Шеърдаги қайси сўзлар кўчма маънода ишлатилган?

Шеърда қуйидаги сўзлар кўчма маънода ишлатилган: уйимизда тўй бўлади, ёз неъматини кетар босиб, кўзимиз тўқ.

Маълумки, сўзнинг янги маъно касб этиши – кўчма маънода қўлланилиши бирон бир объектив сабаблар асосида рўй беради. Бунда маълум нарсалар, белгилар, ҳаракат билдирувчи сўз қандайдир ўхшашлик, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, вазифадорлик каби асосида бошқа бир нарсалар, белгилар, ҳаракатлар ҳам атайдиган бўлиб қолади, унинг ҳам номи сифатида ишлатила бошлайди. Маъно кўчирилишининг метафора, метонимия, синекдоха, вазифадорлик деган турлари мавжуд.

Кичик ҳажмли шеърий асарларни ўқитишда ҳам режа асосида ҳикоялашни амалга ошириш мумкинми? Албата, бундай асарлар билан ишлашда режа асосида ишлаш биров қийин кечса-да таълимда самарали фойдаланиш мумкин.

Режа:

1. Куз кеди.
2. Мевалар пишди.
3. Қишга ҳозирлик кўрдик.

Режа асосида қуйидагича ҳикоя тузиш мумкин:

Ўлкамизга олтин куз кириб келди. Ёзнинг жазирама иссиқлари тугаб, жонга ҳузур берувчи салқин куз ҳавоси бошланди. Кунлар жуда секинлик билан салқинлай бошлагани учун об-ҳаво жуда кескин эмас. Кузнинг биринчи куни Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини зўр тантана билан нишонладик. Иккинчи сентябр куни эса “Билимлар байрами”ни ҳам катта шодлик билан ўтказдик. Куз байрамларга жуда бой.

Кузда олма, шафтоли, нок, олхўри, анор, хурмо, ёнғоқ, узум, сабзи, пиёз, картошка, шолғом, турп пишди. Боғбонлар боғдаги меваларни йиғиб-

⁵⁰ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.229.

териб олишгач дарахтларга ишлов беришади. Дехқонлар ҳосилни йиғиб олишиб ерларни ҳайдашади, баъзи майдонларга буғдой, арпа, рож, рапс каби дуккакли экинларни экишади.

Ҳамма қишга ҳозирлик кўради. Оила бошлиқлари омборхоналарни кузги мева, полиз экинлари ва сабзавотлар билан тўлдирадилар. Уй ҳайвонлари учун хашак жамғарадилар. Баъзи миришкор деҳқонлар қишда ҳам дастурхонимиздан кўкатлар узилмаслиги учун очиқ майдонга исмалоқ, иссиқхоналарга эса кашнич, укроп, бодринг, помидор экишади.

Ўқувчилар кичик ҳажмли шеърни қайта баёнини шу асосда ташкилласалар, иш жуда осон кечади. Ўқувчиларнинг фикрини кетма-кет – узвий баён этишларига ўргатишда муҳим восита саналади.

Дарсликнинг 54-бетида Йўлдош Сулаймоннинг “Куз” шеъри⁵¹ келтирилган.

Марварид куз
Қилди кўз-кўз
Бисотида борини.
Боғда ҳил-ҳил
Мева хил-хил
Санаб бўлмас барини.
Истасангиз
Сайлаб-сайлаб
Ҳусайнидан узасиз.
Нок, шафтоли,
Анжир боли
Худди қаймоқми дейсиз.
Кўнгил очар
Ғашлик қочар
Ораласанг пуштани.

⁵¹ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O'zbekiston, 2012. – B.53-54.

Чиндан арзир
Таърифласанг
Куздаги нонуштани.
Шундай гўзал,
Шундай асал
Эҳсон⁵² тутган ўзи ким?
Дехқон оғам,
Дехқон тоғам,
Ўша деҳқон амаким.

1. Шеърни ифодали ўқинг.

2. Кузда нималар мўл-кўл бўлади?

Кузда ҳамма мевалар, полиз экинлари фарқ пишиб етилади. Боғларда нок, олма, ёнғоқ, шафтоли, анор, узум, беҳи, хурмолар пишгани учун уларни йиғиб омборларга жойлаймиз. Полизда тарвуз, қовун, ошқовоқ етилса, сабзи, картошка, пиёз, бақлажон, болгар қалампири каби сабзавотлар пишади.

3. Шеърда куздаги нонушта ҳақида нима дейилган? Шу бандни ўқинг.

Кўнгил очар
Ғашлик қочар
Ораласанг пуштани.
Чиндан арзир
Таърифласанг
Куздаги нонуштани.

4. “Эҳсон” сўзини қандай тушунаси?

ЭҲСОН [арабча. – яхшилик самимийлик, мурувват; бирор нарсани ҳадя қилиш; хайр-садақа] **1** Хайрли, савобли иш, кори хайр; эзгулик. *Бахил эҳсрдан қочар, хасис – меҳмондан.*

3 Умуман, ҳадя, инъом. *Ёзнинг эҳсони, олинглар, азиз меҳмонлар!*
Ойбек Улуғ йўл⁵³.

⁵² Ehson – hadya, ih’om, sovg’a.

⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. – 5-том. – Б.69.

Бу меваларни кимлар етиштирган?

Ширин-шакар куз меваларини меҳнаткаш деҳқон боболаримиз етиштирганлар.

Шеърни ёд олинг.

Юқоридаги ишлар бажарилгач, шеър тузилиши юзасидан қуйидагича иш олиб бориш ўқувчиларнинг шеър тузилишига оид билимларини кенгайтиради.

1. Шеърдаги қофиядош сўзларни аниқланг.

Шеърдаги қофиядош сўзлар: куз – кўз; ҳил – хил; борини – барини; гўзал – асал; оғам – тоғам; ким – амаким.

2. Шеърнинг қофияланиш тартиби қандай?

Шеърнинг қофияланиш тартиби: а-а-б-д-д-б.

Шу ўринда қофия ҳақидаги назарий билимлар яна бир бор эсга олинади.

3. Шеър ҳижосини аниқланг.

Шеър ҳижоси:

Мар-ва-рид куз

Қил-ди кўз-кўз

Би-со-ти-да/бо-ри-ни.

Боғ-да ҳил-ҳил

Ме-ва хил-хил

Са-наб бўл-мас /ба-ри-ни.

Шеър тўрт ва етти ҳижоли, 1-,2-,4-,5-мисралар тўрт ҳижоли бўлиб, бир туруқли, 3- ва 6- мисралар етти ҳижоли бўлиб, икки туруқдан тузилган (3+4).

4. Шеърдаги қайси сўзлар кўчма маънода ишлатилган?

Шеърда қуйидаги сўзлар кўчма маънода ишлатилган: марварид куз, қилди кўз-кўз, бисотида борини, худди қаймоқми дейсиз, ғашлик қочар.

“Боғда ҳил-ҳил Мева хил-хил” мисрасидаги ҳил ва хил сўзлари ўзаро пароним бўлиб, изоҳли ёки паронимлар луғатидаги изоҳи билан ўқитувчи таниш бўлмоғи лозим.

ҲИЛ-ҲИЛ: хил-ҳил пишмоқ Етилиб, юмшаб пишмоқ. Ҳил-ҳил пишган юмшоқ кабобни пиёз қўшиб ея бошлади. Ойбек, Улуғ йўл⁵⁴.

ХИЛ [арабча – хусусият, сифат] бирор нарсанинг нави, тури; зот, жинс. *Атласнинг етти хил ранг жилоси*⁵⁵.

Шеър юзасидан суҳбат ўтказишда фикрнинг тартибли олиб бориш учун режа тузиш энг мақбул иш саналади.

Режа:

1. Кузги боғнинг тасвири.
2. Полиз экинлари ҳам ғарқ пишди.
3. Кузги серобчилик учун деҳқонларга раҳмат.

Режа асосида қуйидагича боғланишли матн тузиш мумкин:

Куз келиши билан ҳаво салқинлаша бошлайди. Дарахтларнинг барглари яшилликдан сариқ ва қизилга мойил рангларга айлана бошлайди. Иссиқсевар кушлар ўзларига ёқадиган юртларга парвоз қилади. Совуқни хушлайдиган кушлар ўлкамизга учиб келади. Боғдаги мевалар ғарқ пишиб, шарбатга тўлганлиги сабабли уларни қиш учун омборхоналарга жамғарилади. Меваларнинг барглари тўлиқ тушиб бўлгач, қишки уйкуга кетганларида бободеҳқон уларга чиройли шакл беради. Тагини юмшатиб, кузги сувини беради.

Полизларда ўзини семизликдан эплай олмаган тарвуз, қовун ва ошқовоқлар думалаб ётибди. Йил бўйи қилинган меҳнати самарасини кўрган миришкор ҳосилдан хурсанд. Мана полизга юк машиналари ҳам кириб келди. Биз бобомизнинг етиштирган полиз маҳсулотларини эҳтиёткорлик билан машиналарга жойлашга киришдик. Ҳосилнинг мўллигидан бир неча фурсатда машиналарни юкка тўлдирдик. Машиналар ҳосилни олиб карвондек тизилишиб омборхоналарга йўл олишди.

Қаерга қараманг, ҳамма ёқда куз мевалари лик тўла. Далаларимизда етиштирилган мева, сабзавот ва полиз экинларини кўриб кўзинг қувнайди,

⁵⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. – 5-том. – Б.530.

⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. – 4-том. – Б.397.

таъмини тотиб дилинг шодланади. Ўлкамизда етиштирилмайдиган меваларнинг ўз йўқ. Хоҳлаган экин томарқамизда бор. Буларни етиштириш учун бироз кунт бўлса етарли. Шу сабабли мен ҳам томарқамизга куз келиши билан саримсоқпиез, укроп, кашнич, исмалоқ, пиез, шолғом, турп, қизилча, буғдой, арпа, рож каби экинларни экаман. Бу экинлар киш бўйи боғимизни кўм-кўк қилиб туради. Ўз меҳнатингизнинг самарасини кузатиш қандай мазза! Истиқлол берган озодлик боғларимизнинг кўркини ҳам тароватли қилиб юборди.

Дарсликнинг 63- бетида Анвар Обиджоннинг “Сўнгги ахборот” шеъри⁵⁶ берилган.

Бўлиб ўтди қишлоқда
Кеча зўр шамол.
Натижада рўй берди,
Анчайин кор-ҳол.
Узум боши айланиб,
Бўп қолди касал.
Шохдан йиқилиб олма,
Ўтибди ўсал.
Ҳатто гилос лат еди,
Бўлса ҳам абжир.
Тўқнашувда анорга
Чапланди анжир.
Шамоллатди қорнини,
Ошқовоқ полвон.
Пачоқ қилди бурнини,
Мулла бақлажон.
Уйқучироқ бир тарвуз,
Юмалаб бориб,

⁵⁶ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston, 2012. – B.63.

Уйғотибди қовунни
Бошини ёриб.
Ноклар ерга тўкилди,
Бўлишиб бир том.
Аммо зарар кўрмади
Сабзи ва шолғом.

Шеър юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Шамол нималарга зарар етказди?
2. Нима учун қовуннинг боши ёрилди?
3. Нималар зарар кўрмади? Нима учун?
4. Бу ҳодиса қайси фаслда бўлади?
5. Мавзуга мос топишмоқлар айтинг.

Юқоридаги ишлар бажарилгач, шеър тузилиши юзасидан куйидагича иш олиб бориш ўқувчиларнинг шеър тузилишига оид билимларини кенгайтиради.

1. Шеърдаги қофиядош сўзларни аниқланг.

Шеърдаги қофиядош сўзлар: шамол – кор-ҳол; касал – ўсал; абжир – анжир; полвон – бақлажон; бориб – ёриб; жом – шолғом.

2. Шеърнинг қофияланиш тартиби қандай?

Шеърнинг қофияланиш тартиби: а-б-д-б.

Шу ўринда қофия ҳақидаги назарий билимлар яна бир бор эсга олинади.

3. Шеър ҳижосини аниқланг.

Шеър ҳижоси:

Бў-либ ўт-ди/ қиш-лоқ-да

Ке-ча зўр/ ша-мол.

На-ти-жа-да/ рўй бер-ди,

Ан-ча-йин/ кор-ҳол.

Шеър етти ва беш ҳижоли, 1-,3-мисралар етти ҳижоли, 2- ва 4-мисралар беш ҳижоли бўлиб, икки туюқдан тузилган (4+3 ва 3+2).

4. Шеърдаги қайси сўзлар кўчма маънода ишлатилган?

Шеърда қуйидаги сўзлар кўчма маънода ишлатилган: узум боши айланиб бўп қолди касал, шохдан йиқилиб олма ётибди ўсал, гилос лат еди, ошқовоқнинг қорни шамоллаб қолди, мулла бақлажоннинг бурни пачоқ бўлди, тарвуз қовуннинг бошини ёрди.

Шеърда бадий санъатнинг гўзал намунаси жонлантиришдан жуда кенг ва самарали фойдаланилган. Юқоридаги маъно кўчишга келтирган мисолларимизнинг ҳаммаси жонлантиришга асос бўла олади. Шу сабабли бу санъат ҳақида қуйида қисқача маълумот келтириш ўринли саналади.

Жонлантириш бадий нутққа образлилик бахш этувчи муҳим воситалардан биридир. «Бадий санъатлар» китоби муаллифлари бу ҳақда шундай ёзадилар: «Жонлантириш – истиоранинг бир кўриниши. Жонлантириш одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ходисалари, ҳайвонот, парранда, қуш кабиларга кўчириш орқали пайдо бўладиган тасвир усулидир.»⁵⁷ «Ўзбек тили стилистикаси»да ҳам «кишиларнинг ҳаракатлари, ҳис туйғулари, сўзлаш ва фикрлашлари жонсиз предметларга кўчирилиши»га⁵⁸ жонлантириш дейилиши таъкидланади. Мумтоз адабиётимизда жонлантиришнинг икки тури фарқланган:

1.Ташхис – шахслаштириш, жонсиз нарсаларни инсонлардай қилиб тасвирлаш. Шеъриятда жонлантиришдан воқеликни образли тасвирлаш мақсадида фойдаланилади. Тасвир объектига китобхонни яқинлаштириш, воқеликнинг англанишини осонлантириш ва қуруқ-рангсиз ифодадан қочиш учун ҳам мазкур усулга мурожаат қилинади. Қуйидаги шеърий парчада муаллиф «узум»ни жонлантириш орқали китобхоннинг тасвирланаётган воқеликка муносабатини фаоллаштиради:

Узум боши айланиб,

Бўп қолди касал.

⁵⁷ Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. ТДПУ, 2001. – Б.11.

⁵⁸ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б.245.

2. **Интоқ** – нутқ соҳиби сифатида тасвирлаш, инсонлардек гапиртириш демак. Интоқ болаларга аталган шеър ва ҳикояларда, эртак ва масалларда кўп қўлланилади. Интоқ санъатидан масалларда алоҳида мақсад билан фойдаланилади. Инсонларга хос баъзи қусурлар, камчиликлар нарса-буюмлар мисолида образли қилиб кўрсатиб берилади. Европа адабиётшунослик илмида **аллегория** деб аталадиган кўчим ҳам «гапиртириш» усулига асосланади. Интоқ-жонлантиришда нарса ва буюмлар, ҳайвонлар инсонлардек гапиради. Аллегорик-жонлантиришда «ҳайвон ва жониворлар инсонлар каби ҳаракат қилади, улар каби гапиради. Ўқувчи эса асосий эътиборини шу ҳайвонлар орқали тасвирланаётган инсон образига қаратади. Демак, аллегорияда образлар системаси икки қатор ҳисобланади, яъни асарда тасвирланаётган ҳайвонлар образлари қатори ва улар орқали шу характердаги кишилар қатори.»⁵⁹

Ўқувчилар билан шеър матни устида ишлангач, қуйидаги режа билан ишлашни татбиқ қиламиз.

Режа:

1. Қаттиқ шамол кеди.
2. Мевалар анча шикаст еди.
3. Полиз экинлари зарар кўрмади.

Режа асосида қуйидагича ҳикоялашни ташкиллаш мумкин.

Куз кунларининг бирида қишлоқда қаттиқ шамол бўлиб ўтди. Натижада табиатда мева, сабзавот ва полиз экинлари анчайин қор-ҳол кўришди. Узум шамолнинг зўридан боши айланиб, ўзини билмай касал киши сингари бетоб бўлиб қолибди. Олма шохидан йиқилиб тушиб ўсал касалга чалинибди. Гилос абжир бўлса-да бироз лат ебди. Шамолнинг кучлилигидан анжир анорга чапланиб қолибди. Ошқовоқ очик ерда бўлганлиги сабабли қорнини шабодалатиб олди. Бақлажон бурнини уриб пачоқ қилди, уйқучи тарвуз думалаб бориб қовуннинг бошини ёргач уйғонибди. Ноклар

⁵⁹ Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. Б.46.

шамолнинг зўрлигидан ерга дув тўкилди, бу жангда сабзи ва шолғом ер тагида бўлганлиги сабабли шикаст олмади.

Илғор педагогик технологияга асосланган замонавий дарс турлари ва шакллари қўллаш, ўқувчининг таълим жараёнидаги ўрни, унга янгича ёндашув, янгича муносабатни таъминлаш, мазкур жараёни мохирлик ва идрок билан бошқариш демакдир.

Мустақиллик туфайли юз бераётган ҳозирги янгиланишлар, жамиятимиз тараққиёти ва истиқболи, таълим соҳасидаги ислохотлар умумжаҳон андозаларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай экан, аввало, ўқитувчига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти ва малакасини оширишда «...бир қолипдаги таълим-тарбия тизимига хос сарқитлардан қутилиш» зарур. Ёшларнинг илмий ижодий фаолиятини чегараламайдиган, уни фаол тингловчига эмас, балки фаол ижодкорга айлантирадиган кашфиёт таълим усули билан ишлаш ўқувчи-ўқитувчи муносабатларини йўлга қўядиган тўғри ва самарали имкониятларни топиш ва ишга солиш зарур.

Ўқувчиларни тўғри, тушуниб ва ифодали ўқишга ўргатиш, ўқиш дарсларида тарбиявий мақсадларни амалга ошириш мактабнинг барча босқичларида ҳам муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг тўғри тушуниб ва белгиланган меъёردа ифодали ўқиш малакалари яхши ривожланса, таълимнинг кейинги босқичларида муваффақиятларга эришадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларига ўқишни ўргатиш уларга тарбиявий таъсир этиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Учинчи боб бўйича хулоса:

1. Учинчи синф ўқиш дарслигидаги асарларни ўқитиш баробарида истиқлол фарзандларининг келажак орзулари ушалиши матнлар мазмунида акс эттирилган.

2. Учинчи синф ўқиш дарслигида берилган матнлар бадиий асар ўқишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қила олади.

3. Учинчи синф ўқиш дарсларида ўқувчилар луғатини бойитиш воситаси сифатида луғат устида ишлаш тамойили шартларига риоя қилиб иш кўрилган.

4. Дарсликдаги шеърый асарларни ўқитиш учун таълимнинг замонавий йўллари доимо татбиқ этиш ўқитишнинг юқори савияга кўтаришига хизмат қилади.

5. Шеърый асарларни ўқитиш ўқувчиларни ифодали ўқишга тайёрлайди, бу асосида уларнинг нутқларини ўстиришга дарслик матнлари мос ва хосдир.

6. Лирик шеърни ўқиш ва таҳлил қилиш ўқитувчи ва ўқувчидан катта маҳорат талаб қилади, шу сабабли берилган шеърлар тематикаси ва муаллифлари ранг-баранг.

7. Лирик шеърни ҳам ўқувчилар ҳаяжон билан яхлит идрок этишларига эришиш учун уларнинг ҳаётларидаги ҳаяжонли тасвирлар акс эттирилишига эришилган.

8. Дарсликдаги шеърлар енгил ёдлаб олинади, шу сабабли болада эстетик ҳис-туйғуни ўстиришга хизмат қила олади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бошланғич таълим ўқитувчиси ижодкор бўлиши, таълим жараёнида ўқувчининг мавзунини тинглаш, англаш, эркин ва мустақил фикрлаш, ўз фикри, ғояларини ўзгача етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтириш, бошқариши даркор. Шунингдек, у ёшларнинг ахлоқий маънавий тарбияси билан шуғулланиши, уларга шарқона мулоқот одоби, миллий анъаналаримизга ҳурмат она-Ватанга муҳаббат туйғуси каби зарурий ҳикматларни сингдира билиши лозим.

Иш ниятида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Ўқиш малакасини такомиллаштириш, яъни ўқувчиларда яхши ўқиш сифатлари: тўғри, тез, онгли, ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш учун юқорида таҳлил этилган дарслик тўла жавоб беради, негаки берилган матнлар соддадан мураккабга таъйини асосида тартибланган.

2. Болаларда китобга муҳаббат уйғотиш, китобдан фойдаланишга, ундан керакли билимни олишга, яъни китоб билан ишлашни биладиган, чуқур фикрловчи, сермулоҳаза китобхонларни етиштириш борасидаги мақсадни амалга ошириш учун дарслик яхши восита, сабабки келтирилган матнлар тематик ранг-баранг, фойдаланиш учун жуда қулай, истиқлол фарзандларини тарбиясига мос матнлар ўқитишга киритилган.

3. Ўқувчиларни теърак-атроф, борлиқ ҳақидаги билимларини кенгайтириш, дунёқараш элементларини шакллантириш учун мамлакатимизнинг гўзал манзараси, шаҳар, қишлоқлари ҳақида маълумотлар етарли бўлиб, болаларнинг байналмилал руҳини ўстиришга хизмат этадиган матнлар мақсадга мувофиқ берилган.

4. Ўқувчилар ахлоқий-эстетик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга хизмат этадиган дўстлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонни қадрлаш руҳидаги матнларга кенг жой берилган.

5. Ўқувчиларни нутқини ва тафаккурини ўстириш учун янги луғатлар тадрижий асосида келтирилган, матнлар сўнгида қайта ҳикоялаш талаб этилибгина қолмай, матнга режа тузиш, қайта ҳикоялаш, мавзуга мос расм чизиш каби топшириқлар амалий бажаришга тавсия қилинган.

6. Ўқувчиларнинг адабий тасаввур элементларини шакллантириш учун мақол, ҳикматли сўз, топишмоқ, эртак, масал жанрлари ҳақида назарий маълумот келтирилиб, амалий ишлаш учун матнлар тавсия этилган.

7. Дарсликни ҳар томонлама таҳлил этиш баробарида уни бошланғич таълим тизимимиздаги энг мақсадга мувофиқ мазмунан етук, амалий қулай, замонавий дарслик баҳосини беришни лозим деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

I

1. Узвийлаштирилган бошланғич синф давлат таълим стандарти. – 2010.
2. Бошланғич таълим ўқув дастури. – Тошкент, 2010.
3. Вазирлар Маҳкамасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақидаги қонунлари. Халқ таълими. 1997. – №1.

II

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1995.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 14 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

III

1. Абдуллаева Д. Янги педагогик усулларда дарс ўтишни таъминлашда фойдаланиладиган усуллар. – Андижон, 2001.
2. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981.
3. Абдурахмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар, – Т., НДА, 1997. – 24 б.
4. Асқарова М., Қосимова М., Жамолхонов М. Ўзбек тили. – Т: Ўқитувчи, 1989.
5. Ашрапова Т., Одилов М. Она тили методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
6. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 124 б.
7. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002.

8. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
9. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
10. Йўлдошев М. ва бошқ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 124 б.
11. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
12. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // ЎТА, 1987, №4. Б.34-36.
13. Маҳмудов Н. Ойбек шеърисидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // ЎТА, 1985, №6. Б.48-51.
14. Маҳмудов Н. Ҳар бир сўз берсин садо // ЎТА, 1987, 13 февраль, №7.
15. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 216 б.
16. Сайидахмедов Н. Ноанъанавий дарс. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 98 б.
17. Содиқова М., Усмонова Ў. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
18. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
19. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
20. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 240 б.
21. Шукуров Р. Синтактик параллелизмнинг услубий вазифалари. // ЎТА, 2004, №2, Б.73.
22. Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Тошкент: ФАН, 1975. – 610 б.
23. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

24. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: ЎМЭ, 2006-2008. – 5 томли.
25. Ўзбек тилининг имло луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 288 б.
26. Қосимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 216 б.
27. Гаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 160 б.
28. Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
29. Ғуломов М. Чиройли ёзув малакасини шакллантириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
30. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Фан ва технология. 2009. – 672 б.
31. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.74.
32. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2002.
33. Ҳомидий Ҳ... Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.
34. Matchonov S., Shojalilov A. va boshq. O‘qish kitobi. 4-sinf uchun darslik. – Toshkent: Yangiyo‘l poligraph service, 2011. – 240 b.
35. Qosimova K., Matchonov S., G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Noshir, 2009. – 352 b.
36. Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston, 2012. – 224 b.
37. G‘afforova T. v.b. O‘qish kitobi. 1- sinf. – Toshkent: Sharq, 2010. – 128b.
38. G‘afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O‘qish kitobi. 2- sinf. – Toshkent: Sharq, 2012. – 176 b.

IV

- | | |
|---|---|
| 1. www.tdpu.uz | 4. www.edu.uz |
| 2. www.pedagog.uz | 5. tdpu-INTRANET. Ped |
| 3. www.Ziyonet.uz | |

ИЛОВАЛАР

1-илова

Луғат
А
Афв – кечирим, узр
Ажнабий – чет элларга ёки чет элликларга оид; хорижий
Ардоқлайди – аяйди, авайлайди
Арк – хон саройининг мустаҳкамланган қисми; сарой
Армон – амалга ошмаган орзу ёки ўз вақтида қилинмаган иш туфайли кўнгилда қолган ўкинч
Аямажиз – айём(и) ажуз – кишнинг охирги ҳафтаси
Асранди – бошқа ота-она қарамоғига фарзандликка олиб тарбия қилиш
Б
Банди – асир тушган одам, тутқун
Бигиз – пойабзалдўзларнинг ёғоч сопли асбоби
Бехуда – фойдаси йўқ, ҳеч кераги йўқ, бефойда
Беквачча – бекдан туғилган бола; бекзода
Бемадор – мадорсиз, кучсиз, дармони йўқ
Бемажол – кучсиз, дармони йўқ
Бўз – қўл дасгоҳида пахта ипидан тўқилган мато
Д
Донишманд – кўп нарсани биладиган, билимдон, олим, доно
Доро – Эрон давлатининг подшоҳи
Э
Эҳтиром – юксак ҳурмат, иззат-икром
Эъзоз – ҳурмат, иззат
Ф
Фақирона – ҳеч нарсаси йўқ, камбағал
Фаровон – ҳар жиҳатдан тўла-тўқис, ҳамма нарсаси мўл-кўл
Фахр – мамнунлик ҳисси, мамнуният, ғурур
Фирка – гуруҳ, тўда


Фуқаро – бирор мамлакатнинг доимий кишиси
Фурсат – бирор ишни бажариш учун энг қулай вақт
Г
Гўша – одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой, турар жой
Гадойвачча – гадой боласи
Ҳ
Ҳаким – ўткир табиб, шифокор
Ҳиммат – бировга қилинадиган яхшилик, марҳамат, ёрдам
Ҳижрон – айрилик, жудолик
И
Иттифоқ – гуруҳ, жамият ёки давлатларнинг бирликда иш олиб бориши учун тузилган бирлашмаси, уюшма
Илтифот – кишига яхши муносабат, диққат-эътибор
Истеъмол – ишлатиш, фойдаланиш, ейиш-ичиш
Имон – илоҳий кучга бўлган ишонч, эътиқод
Ж
Жам – йиғилган, тўпланган
Жароҳат – шикастланган, синган, чиққан, яраланган жой
Жиддий – пухта ўйлаб иш кўрадиган, мулоҳазали
Журъат – хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳайиқмай қилинган жасорат
К
Кайфият – аҳвол, ҳолат ва кишининг руҳий ҳолати
Кашф – кашф қилмоқ, яратмоқ
Клавиатура – турли хил механизмлардаги клавишларнинг жами
Кнопка – қоғоз матоларни қаттиқ нарсага қадаб қўйиш учун ишлатиладиган кенг қалпоқчали, босма михча
Кулфат – қийнайдиган, азоб берадиган ҳолат
Кўҳна – узоқ ўтмишдан давом этиб келаётган, қадимий
Л
Лавозим – амал, мансаб



М
Манзил – сафарда, йўлда тўхтаб ўтиладиган ёки етиб бориш мўлжалланган жой
Марсия – бирор шахс вафоти муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри
Матонат – бардош, чидам, сабот
Махлуқ – инсон ва бутун жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи
Махдум – уламо ва руҳонийлар унвони ва шу унвонга эга бўлган киши
Манглай – пешона
Мезбон – меҳмон кутувчи, зиёфат, тўй эгаси
Мижоз – доимий харидор
Миннат – 1)қилинган хизмат, яхшилик учун бўлган қарздорлик; 2)қилинган яхшиликни юзга солиш ёкибировларга гапириб бериш
Мирзабоши – ўзбек хонликларидаги мирзахона бошлиғи
Мирза – ёзув-чизув ишларини олиб борган киши; котиб
Мисли – каби, сингари, бамисоли
Мижоз (мизож ёзилган) – кишининг ўзига хос табиати
Мовий – тиник, кўк, ҳаворанг
Муфти – шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи лавозимли уламо
Мунгли – ғамгин, маъюс
Н
Наф – бирор иш ёки нарсадан олинган ижобий натижа, фойда
Навкар – феодал ҳукмдорларнинг ҳарбий хизматкори, аскари
Низо – ўзаро келишмовчилик, душманлик орақсида туғилган ҳолат, муносабат
Нотавон – заиф, нимжон, ногирон, ночор
О
Оталиқ – моддий, маданий ёрдам кўрсатишни назарда тутиб, ташкилот ёки кишиларни бир-бирига боғлаш асосидаги ижтимоий фаолият, ижтимоий бурч
П
Парҳез – соғлиққа тўғри келмайдиган овқатлардан ўзини тийиш ва унинг тартиби
Паришон – ҳар томонга сочилган, тартибсиз, тўзғиган



Қ
Қадр – ҳурмат, эътибор
Қароқчи – йўлтўсар
Қитъа – Ернинг денгиз ва океанлар билан қуршалган олтита алоҳида қисмларидан бири
Қиёфа – ташқи кўриниш, тус
Қулун – бир ёшга тўлмаган тойча, тойчок
Қўғирмоч – қозонда ковурилган буғдой
Р
Радияция – бирор нурлануви жисмдан, масалан, Қуёшдан чиқадиган электромагнит нур, энергия, Қуёш радиацияси
С
Самовий – осмонга, самога оид
Сарбон – карвонбоши (кўчма маънода йўлбошчи)
Сарвар – йўлбошчи, раҳнамо
Сайёра – Қуёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи осмон жисми
Секунд – сония (дақиқанинг 60 дан бир қисми)
Сувори – от минган киши, отлиқ
Суръат – иш-ҳаракатнинг жадаллиги
Сўлим – беғубор, соф, гўзал ва ёқимли
Сўзан – этикдўз косиблар ишлатадиган игна
Т
Таноб – ер ўлчов бирлиги
Тарҳ – кўриниш, лойиҳа
Таажжуб – кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ажабланарли, ҳайронлик
Танҳо – якка, ёлғиз
У
Уламо – олим, олимлар
Уммат – бир миллат, бир динга мансуб кишилар
Унгур – тоғлардаги тик ўйиқ жой, ғор
Х



Хулқ – кишининг хатти-ҳаракати
Ғ
Ғариб – кимсасиз, мусофир, бирор ҳомийси, кўмакчиси бўлмаган, кимсасиз одам
Ғурбат – ғам-ғусса, хафалик
З
Зарб – қаттиқ урилиш, куч, шиддат
Зобит – офицер
Ў
Ўзлик – ҳар бир кишининг шахсияти, табиий ҳолати, борлиғи
Ш
Шаън – юксак инсоний фазилят, кадр-қиммат, яхши ном
Широқ – сак қабиласидан чиққан чўпон йигит, подачи
Шон – маҳси ёки этик қўнжига уриладиган қолип
Ч
Чилпиш – дарахтларнинг, шохларнинг учларини кесиш









































39-илова

